## ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

1. Луғат француз тили алфавити бўйича тузилган.

2. Бош сўз ўзбекча таржимаси, маънолари, фразеологик иборалар ва иллюстратив мисоллар билан бирликда луғат мақоласини ташкил этади.

3. Луғат ҳажмини ихчамлаштириш мақсадида луғат мақолалари ичида қатнашган бош сўз тильда (~) лексикографик белгиси билан алмаштирилган. Тильда белгиси, шунингдек, параллел чизиқ (||) билан ажратилган бош сўзнинг биринчи қисми ўрнида ҳам қўлланилган.

**centre** *m* 1) марказ; ~ **culturel** маданий марказ; ~ **d'accueil** қабул пункти; ~ **d'aviation** авиабаза; ~ de la E. S. R. радиоузел; ~ **d'attraction** марказга тортилиш; 2) *спорт.* ҳужум маркази.

**cotonni || er,-ère** 1. *adj.* ип-газламага оид; **industrie ~ ère** ип-газлама саноати; 2 m. ғўза.

4. Бош сўз сифатида берилган отларнинг қайси родга мансублиги *m* (**masculin** — мужской род), *f* (**féminin** — женский род), *pl* (**pluriel** — кўплик) каби белгилар воситасида ифодаланган.

5. Сифатлар асосан мужской родда берилган бўлиб, женский родга хос қўшимчалари ҳам кўрсатилган.

**antiréligieu || x,-se** *adj* динга қарши қаратилган, атеистик.

**chaleureu || x,-se** *adj* қизғин, оташин.

6. Омонимларнинг ҳар бири алоҳида луғат мақоласи сифатида берилиб, рим рақами билан кўрсатилган:

**adresse I** *f* 1) адрес; **á la même** ~ ўша адрес бўйича; 2) қутлов хати, адрес; **présenter une** ~ адрес топширмоқ.

**adresse II f** чаққонлик, эпчиллик; **avec** ~ чаққонлик билан.

7. Кўп маънолилик хусусиятига эга бўлган сўзлар қавсли араб рақами билан маъноларга ажратилган. Агар бош сўз турли категорияга мансуб бўлса, унинг қайси категорияга оидлиги аниқ кўрсатилиб, мустақил маънолар сингари нуқтали араб рақами билан фарқланган:

**ligne** *f* 1) чизиқ; ~ **courbé** эгри чизиқ; tracer une ~, tirer une ~ чизиқ чизмоқ; 2) чегара, чизиқ, йўл; ~ de circuit, ~ **circulaire** айланма йўл; ~ **aérienne** ҳаво (йўли) трассаси; 3) сатр, йўл, хат; à la ~ хат бошидан (бошламоқ); 4) қармоқ . . .

**explosi || f,-ve 1.** *adj* портловчи; **2.** *m* портловчи модда; **3.** *f* *линг.* портловчи товуш.

**froid, -e** 1. *adj* совуқ, салқин; 2. *adv* совуқ; il fait ~ aujourd'hui бугун қаво совуқ; 3. *m* совуқ, аёз; prendre froid совуқ емоқ; un ~ *vif* каттиқ совуқ.

8. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўтимлилик, ҳам ўтимсизлик хусусиятига эга бўлган феъллар нуқтали араб рақами билан мустақил маъно сифатида тавсия этилган:

**embellir** 1. *vt* безатмоқ, ясатмоқ; 2. *vi* гўзаллашмоқ, ҳуснига ҳусн қўшилмоқ.

9. Агар сўз ёки унинг бирор лексик-семантик варианти ўзбек тилида бир неча синонимик эквивалентга эга бўлса, бундай синонимлар вергул билан, маънодошлик нуқтаи назаридан бир-биридан узоқроқ бўлса, нуқтали вергул билан ажратилган, баъзи ўринларда эса маънони янада муфассалроқ очиш мақсадида қавс ичида қисқача изоҳ ҳам берилган:

**chérir** *vt* 1) суймоқ, суйиб тарбияламоқ; жонидан яхши кўрмоқ; 2) аямоқ, асрамоқ.

**cerisier** *m* олча; гилос *(дарахти)*.

10. Бош сўздан кейин қўлланган икки нуқта мазкур сўзнинг фақат ўзидан кейинги сўз бирикмасигагина хос иборада ишлатилишидан ёки ёлғиз ҳолда қўлланмаслигидан далолат беради.

**buvard** *adj*: papier ~ босма, босма қоғоз.

**enfuir**: s' ~ қочмоқ, қочиб кетмоқ.

11. Талаффуз қоидаларидан истисно ёки махсус талаффуз қилинадиган французча сўзлар транскрипцион белгилар билан кўрсатилган: **enfer** [afe:r] *m* дўзах.

**estomac** [estoma] *m* қорин; ошқозон; avoir l'~ creux жуда оч қолмоқ.

12. Сўзларнинг грамматик ва стилистик характеристикасини ифодалашда ўзига хос пометалар қўлланилган; терминологик системага мансуб сўзлар ҳам лексикографик белгилар билан таъминланган.

**cependant** *conj* аммо, лекин, бироқ.

**canard** *m* 1) ўрдак; 2) *с. т.* ёлғон хабар, уйдирма, ёлғон-яшиқ.

**gérondif** *m грам.* равишдош.

**hypoténuse** *f мат.* гипотенуза.

**lance-mines** *m ҳарб.* миномёт.

13. Фақат кўпликда қўлланиши мумкин бўлган ёки кўпликда қўлланганда маъноси ўзгариб кетадиган сўзларга кўплик — *pl* белгиси қўйилган.

**élection** *f* сайлаш; 2) *pl* сайлов . . .

**espèce** *f* 1) уруғ; тоифа; тур; ~ animaux ҳайвонлар тоифаси; de toute ~ ҳар турли, ҳар хил; 2) *pl* танга, чақа; payer en ~ s танга (чақа) билан тўламоқ.

14. Бош сўз сифатида келтирилган феълларнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги қайд этилган, баъзи ҳолларда уларнинг қандай предлог билан қўлланиши ҳам қавс ичида кўрсатилган:

**accéd || er** *vi* (à qch) 1) етмоқ, етиб бормоқ...

**ajouter** *vt* (qch à qn, à qch) қўшмоқ, бириктирмоқ каби.

15. Турғун сўз бирикмалари ва фразеологик иборалар луғат мақолалари нинг охирида ромб (◊) белгиси воситасида берилган.

fusée *f* ракета; la ~ cosmique космик ракета.

~ intercontinentale қитъалараро ракета; lancer une ~ ракета учирмоқ; ◊ une ~ de rire қаҳқаҳа, қаттиқ кулги.

lapin *m* уй қуёни; ◊ voyager en ~ транспортда пул тўламай (билетсиз) юрмоқ.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекча-русча луғат. С. Ф. Акобиров, З. М. Маъруфов, А. Т. Хўжахонов таҳрири остида, М. 1959.

2. Русча-ўзбекча луғат, I — V томлар, бош мухаррир А. К. Боровков, Тошкент, 1950 — 1955.

3. Русча-ўзбекча луғат, I — II томлар, ЎзСЭ Бош редакцияси, Тошкент, 1983 — 1984.

4. К. А. Ганшина. Французско-русский словарь, изд. шестое, исправленное, и дополненное, М. 1971.

5. Л. В. Щерба, М. И. Матусевич. Русско-французский словарь, издание седьмое, М. 1959.

6. В. В. Потоцкая, Н. П. Потоцкая. Французско-русский словарь, изд. тринадцатое, стереотипное, М. 1970.

7. Т. Алиқулов. Французча луғат-минимум, Тошкент, 1976.

8. Т. Алиқулов. Русча-ўзбекча ўқув луғати. М. 1982.

9. Т. Алиқулов, Д. Бозорова. Французча-ўзбекча луғат, Тошкент, 1973.

10. R. de Noter, P. Vuillermoz, H. Lécuyer. Dictionnaire des synonymes, Paris, 1956.

11. Micro Robet, Dictionnaire du français primordial, tome I, A à L. Paris, 1980.

12. Micro Pobert. Dictionnaire du français primordial, tome II, M à Z, Paris, 1980.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

### Французча

*adj* — adjectif сифат
*adj poss.* — adjectif possessif эгалик сифатлари
*art. contr.* — article contracté
*art. déf.* — article défini аниқ артикль
*art. indéf.* — article indéfini ноаниқ артикль
*conj.* — conjonction боғловчи
*f* — féminin женский род
*int* — interjection ундов
*loc adv* — locution adverbiale равишли (адвербиал) ибора
*loc. conj* — locution conjonctive боғловчили ибора
*loc. prép* — locution prépositive кўшма предлог
*m* — masculin мужской род
*pl* — pluriel кўплик
*prép* — préposition предлог
*pron* — pronom олмош
*pron pers.* — pronom personnel кишилик олмоши
*pron poss.* — pronom possessif эгалик олмоши
*qch* — quelque chose бирор нарса
*qn* — quelqu'un бирор кимса
*s* — substantif от
*sing* — singulier бирлик
*vi* — verbe intransitif ўтимсиз феъл
*v. impers.* — verbe impersonnel шахссиз феъл
*vt* — verbe transitif ўтимли феъл

### Ўзбекча

*анат.* анатомия
*археол.* археология
*астр.* астрономия
*биол.* биология
*бот.* ботаника
*геогр.* география
*геом.* геометрия
*грам.* грамматика
*денг.* денгизчилик термини
*диал.* диалектология
*зоол.* зоология
*кул.* кулинария
*лингв.* лингвистик термин
*мат.* математика
*мед.* медицина
*муз.* музика
*поэт.* поэтик термин
*спорт.* спорт термини
*с. т.* сўзлашув тили
*тар.* тарихий
*тех.* техника
*физ.* физика
*филос.* философия
*хим.* химия
*шахм.* шахмат
*эк.* экономика
*эл.* электрга оид
*эск.* эскирган сўз
*этн.* этнография
*юр.* юридик термин
*қ.* қаранг
*ҳарб.* ҳарбий термин

ФРАНЦУЗ ТИЛИ АЛФАВИТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| A | a | N | n |
| B | b | O | o |
| C | c | P | p |
| D | d | Q | q |
| E | e | R | r |
| F | f | S | s |
| G | g | T | t |
| H | h | U | u |
| I | i | V | v |
| J | j | W | w |
| K | k | X | x |
| L | l | Y | y |
| M | m | Z | z |

# A

**A à** (au, aux) *prép.* Жўналиш ва ўрин-пайт келишик қўшимчалари ўрнида қўлланади ва қуйидагиларни ифодалайди: 1) вақтни. à quatre heures соат тўртда; au mois d'août августда, август ойида; au printemps баҳорда; à lundi душанба кунигача, душанба кунига қадар; 2) ўринни: travailler à l'institut институтда ишламоқ; à Paris Парижда; au nord шимолда; 3) йўналишни: aller à l'Université университетга бормоқ (*кетмоқ*); aller au tableau доскага чиқмоқ; 4) воситани; se laver à l'eau chaud иссиқ сувда ювинмоқ; parler à la radio радио орқали гапирмоқ; 5) хосликни, мансубликни: ce crayon est à vous бу қалам сизники; ce livre est à moi бу китоб меники; 6) ҳолатни: à son mariage унинг тўйида; sauter à la corde арқондан сакрамоқ; 7) баъзи сифатлардан кейин келиб турғун сўз бирикмаларини ясайди: bon à . . .; prêt à . . .; nécessaire à . . .; je suis prêt à répondre жавоб беришга тайёрман; 8) баъзи феъллардан кейин келиб, уларнинг асосий мазмунини ўзгартиради: avoir à . . . мажбур бўлмоқ; 9) айрим феъллардан сўнг табиий ҳолда à предлоги ишлатилади, бунда феълнинг мазмуни ўзгармайди: commencer à . . . бошламоқ; se mettre à . . . киришмоқ (*ишга*); ◇ j'ai mal à la tête бошим оғрияпти; prendre part à . . . қатнашмоқ, иштирок этмоқ; au loin узоқда, олисда; au revoir! хайр!; à cause de . . . туфайли; peu à peu оз-оз, оз-оздан, аста-секин; tout à coup бирдан, тўсатдан; au lieu de . . . ўрнига. эвазига; à temps ўз вақтида.

**abaissement** *m* 1) пасайиш; пасайтириш; тушиш; ~ de température температуранинг пасайиши; ~ des salaires иш ҳақининг камайиши; 2) ҳақорат, хўрлик; камситиш.

**abaisser** *vt* 1) пасайтирмоқ, туширмоқ; ~ la barre *спорт* штангани ерга қўймоқ, туширмоқ; ~ la voix овозни пасайтирмоқ; ~ son chapeau sur le front шляпани (*бош кийимни*) пешонага туширмоқ; 2) камситмоқ, хўрламоқ; s' ~ пасаймоқ, чўкмоқ, тушмоқ; ўзини паст олмоқ.

**abalourdir** *vt* гангитмоқ, эсанкиратмоқ.

**abandon** *m* қолдириб кетиш, ташлаб чиқиб кетиш; қаровсиз қолдирганлик; ses affaires sont dans le plus grand ~ унинг ишлари ниҳоятда қаровсиз ҳолда; à l' ~ қаровсиз, ташлаб қўйилган.

**abandonné, -e** *adj* ташлаб кетилган, қаровсиз қолган; maison ~ e ташландиқ уй; enfant ~ ташландиқ бола.

**abandonner** *vt* ташлаб кетмоқ; қолдириб кетмоқ; ~ une ville шаҳарни ташлаб кетмоқ; s' ~ (à qch) берилиб кетмоқ; s' ~ au travail ишга берилиб кетмоқ.

**abas** *m* жала, сел.

**abasourd || ir** vt 1) кар қилмоқ, гаранг қилмоқ; explosion l'abasourdit портлаш унинг қулоғини кар қилиб қўйди; 2) довдиратиб қўймоқ, эсанкиратиб қўймоқ.

**abatage** *m* қ. abattage.

**abat-jour** *m* абажур, лампа қалпоғи.

**abattage** *m* 1) *кесиш* (дарахт ҳақида); 2) сўйиш (*ҳайвон ҳақида*); 3) *тоғ* қазиш, қазиб чиқариш; ~ de la houille кўмир қазиб чиқариш.

**abbattement** *m* 1) руҳи тушганлик, эзилганлик, маъюслик; 2) пасайиш, камайиш, қисқариш.

**abatteur** *m* 1) ўтинчи, саржинчи; 2) кон

**abattoir** *m* қушхона.

**abatt || re** *vt* 1) кесмоқ: йиқитмоқ; бузмоқ, уриб туширмоқ: ~ re un avion самолётни уриб туширмоқ; 2) отиб яраламоқ; ўлдирмоқ; ~ re au vol учиб бораётган қушни отиб туширмоқ; 3) руҳий азоб бермоқ , эзмоқ; le malheur l'a ~ u ғам уни эзиб юборди; s' ~ re 1) йиқилмоқ, қуламоқ, ағдарилмоқ; 2) тушмоқ, пасаймоқ, чўкмоқ.

**abbaye** [abe(j)i] *f* аббатлик, католиклар черкови.

**abbé** *m* аббат, католик черков бошлиғи.

**abc** [abese] *m* алифбе; ◇ commencer par ~ бошидан бошламоқ.

**abcès** *m* чипқон яра.

**abdiquer** *vt* бош тортмоқ, воз кечмоқ.

**abdomen** [abdomen] *m* қорин бўшлиғи, қорин.

**abécédaire** *m* алифбе.

**abeille** *f* асалари, болари.

**abêti, -e** *adj* ақлдан озган, овсар, тентак.

**abêtir** *vt* ақлдан оздирмоқ; ~ s' ақлдан озмоқ.

**abêtissement** *m* ақлдан озиш, эс-ҳушини йўқотиш.

**abîme** *m* жар, тубсиз чуқурлик, жаҳаннам; être sur le bord de l' ~ *кўчма* жаҳаннам ёқасида турмоқ; ◇ l'~ appelle l' ~ дард дардни чақиради.

**abîm || er** *vt* хароб қилмоқ, ишдан чиқармоқ; pluie a ~ é les chemins ёмғир йўлларни ювиб кетди; s' ~ er хароб бўлмоқ, ишдан чиқмоқ, путурдан кетмоқ.

**abject** [abʒekt] -**e** *adj* қабиҳ, разил, пасткаш.

**abjection** *f* қабиҳлик, разиллик, пастлик.

**abjurer** *vt* қайтмоқ (*диндан*); тонмоқ ~ la réligion диндан қайтмоқ; ~ une opinion фикрдан қайтмоқ.

**Abkhaze** *m f* абхаз, абхазиялик.

**abkhaze** *adj* абхазларга оид; абхазча.

**ablation** *f мед.* ампутация (*оёқ, қўл ёки уларнинг би қисмини хирургия усули билан кесиб ташлаш*).

**ablution** *f* ювиш; ювиниш; faire ses ~s ювинмоқ.

**abnégation** *f* фидокорлик, жонбозлик; faire ~ de soi жондан кечмоқ, жонини фидо қилмоқ.

**aboi** [abwa] *m* вовиллаш, ҳуриш, акиллаш; ~ du chien итнинг ҳуриши; ◇ être aux ~s мушкул аҳволга тушиб қолмоқ.

**aboiement** *m* қ. aboi.

**abolir** *vt* бекор қилмоқ; ~ une loi қонунни бекор қилмоқ.

**abolissement** *m* қ. abolition.

**abolition** *f* 1) бекор қилиш, йўқ қилиш, тарқатиб юбориш; partisans de l'~ de la colonisation мустамлакачиликни йўқотиш тарафдорлари; 2) йўқотиш; маҳрум бўлиш; ~ de la vue кўздан қолиш.

**abominable** *adj* жирканч, қабиҳ; crime ~ қабиҳ жиноят; goût ~ ёмон таъм.

**abominablement** *adv* жуда ёмон, қабиҳ, жирканч.

**abomination** *f* жирканчлик, қабиҳлик.

**abominer** *vt* нафратланмоқ, безор бўлмоқ.

**abondamment** *adv* мўл-кўл, сероб.

**abondance** *f* мўл-кўлчилик, серобгарчилик; ~ des récoltes ҳосилнинг мўллиги; vivre dans l'~ мўлчиликда яшамоқ, тўқ яшамоқ; parler d'~ тўғридан-тўғри *гапирмоқ*.

**abondant, -e** *adj* мўл, сероб; récolte~ мўл ҳосил.

**abonder** *vi* (en qch) мўл бўлмоқ; сероб бўлмоқ.

**abonné** *m*, **-e** *f* обуначи, абонент.

**abonnement** *m* обуна, абонемент prendre un ~ à une revue журналга обуна бўлмоқ.

**abonn || er** *vt* (qn à qch) обуна қилмоқ, ёзиб қўймоқ; ~ez -moi à ce journal мени бу газетага обуна қилиб (ёзиб) қўйинг; s' ~ er (à qch) обуна бўлмоқ, ёзилмоқ; s' ~ er à un journal газетага ёзилмоқ.

**abord** *m* 1) яқинлашиш, ёндашиш; il est d'un ~ difficile *кўчма* унга яқинлашиб бўлмайди; 2) келиб тўхташ (*қирғоққа*); d'~, tout d'~ аввал, олдин; de prime ~ бошдан.

**abord || er** *f* 1. *vi* қирғоққа келиб тўхтамоқ; le bateau ~ a le port пароход портга келиб тўхтади; 2. vt тўхталиб ўтмоқ, тилга олмоқ; ~er une question масалани муҳокама қилишга ўтмоқ.

**aborigène** *m* туб жой, маҳаллий, ерли; plante ~ маҳаллий ўсимлик.

**about || ir** *vi* тугамоқ, охирига етмоқ, тамом бўлмоқ; tous les rayons d'un cercle ~issent au centre айлананинг ҳамма радиуслари марказга келиб тугайди.

**aboutissement** *m* тугаш; тугатиш; охирига етказиш,

**aboyant,- e** *adj* вовиллаётган, акиллаётган, ҳураётган.

**aboyer** *vi* вовилламоқ, ҳурмоқ, акилламоқ.

**abrégé** *m* қисқача баён, қисқача тафсилот; ~ d'un article мақоланинг қисқача мазмуни; écrire en~ қисқача (қилиб) ёзмоқ.

**abrégement** *m* қисқартиш; қисқартириш.

**abréger** *vt* қисқартмоқ; қисқа қилмоқ; abrégez! гапни қисқа қилинг!

**abréviation** *f* *линг.* қисқартма сўз, абревиатура.

**abri** *m* пана жой, бошпана; ~ de bombardement бомбадан сақланадиган жой; бомбапана; mettons-nous à l'~ de la pluie ёмғирдан панага қочайлик.

**abricot** *m* ўрик, оқ ўрик.

**abricotier** *m* ўрик (*дарахти*).

**abriter** *vt* пана қилмоқ, сақламоқ; s'~ пана бўлмоқ, бекинмоқ; яширинмоқ; s'~ du soleil қуёшдан (*офтобдан*) бекинмоқ.

**abrogation** *f* бекор қилиш, бекор қилиниш (*қонун, урф-одатни*).

**abroger** *vt* бекор қилмоқ.

**abrupt**[abrypt] **- e** *adj* 1) тик, тикка; rocher ~ тик, қоя 2) *кўчма* қўпол, қўрс, чўрткесар.

**abruti - e** 1. *adj* ақлдан оздирган, эс-ҳушидан айирган: овсар; être~ ақлини йўқотмоқ, эсини емоқ; 2, *m f* аҳмоқ, гелба, овсар.

**abrutir**:s' ~эсни йўқотмоқ; ёввойилашмоқ.

**absence** *f* келмаганлик, йўқлик; ~ injustifiée сабабсиз ишга келмай қолиш (*прогул*); pendant mon ~ менинг йўқлигимда; ◊ avoir des~s паришон бўлмоқ.

**absent - e** *adj* келмаган, йўқ; être ~ келмай қолмоқ; qui est ~ aujourd' hui? бугун ким йўқ?

**absenter** (s') вақтинча йўқ бўлмоқ, бирор ёққа чиқмоқ.

**absinthe** *f* *бот.* шувоқ, эрман.

**absolu, - e** *adj* 1) мутлақ, абсолют; vérité ~ e абсолют ҳақиқат; majorité ~ e мутлақ кўпчилик: 2) абсолют, мутлақ, чекланмаган (*ҳокимият ҳақида*); monarchie ~e абсолют монархия.

**absolument** *adv* 1) мутлақо, асло; 2) албатта, шак-шубҳасиз.

**absolution** *f* 1) *юр.* оқлаш, айбсиз деб топиш; 2) *черк.* гуноҳидан ўтиш, кечириш.

**absolutisme** *m* ҳокими мутлақ, чекланмаган монархия.

**absorbant** -**e** *adj* шимадиган, ўзига сингдирадиган.

**absorb**||**er** *vt* шимиб олмоқ, ўзига сингдирмоқ; ютмоқ; sable ~ e l'eau қум сувни ўзига шимиб олади; s' ~ er 1) шимилмоқ, сингмоқ, ютилмоқ; 2) *кўчма* ботмоқ, чўкмоқ; s'~ dans la méditation хаёлга ботмоқ, хаёлга ғарқ бўлмоқ; s' ~ dans la lecture ўқишга берилиб кетмоқ, бош кўтармай ўқимоқ.

**absorbtion** *f* шимиб олиш, сингдириш ютиш; ютилиш.

**absoudre** *vt* 1) оқламоқ, айбсиз деб топмоқ; ~ un accusé айбланувчини оқламоқ; 2) *черк.* гуноҳидан ўтмоқ.

**abstenir** (s') ўзини тутмоқ, ўзини тиймоқ; (*овоз беришда*) бетараф қолмоқ; s'~ de qch, s'~ de faire qch бирор нарсадан, бирор нарса қилишдан ўзини тиймоқ; ~de voter овоз беришда бетараф қолмоқ.

**abstention** *f* ўзини тутиш, ўзини тийиш; бетараф қолиш, бетарафлик: nombre des ~ s бетарафлар миқдори, овоз беришда бетараф қолганлар сони.

**abstinence** *f* ўзини тийиш, тута билиш; ўзини тийишлик.

**abstinent**, -**e** *abj* ўзини тута биладиган.

**abstraction** *f* мавҳумлик, мавҳум тушунча, абстракция: faire ~ de . . . эътиборсиз қолдирмоқ.

**abstrait** -**e** *adj* абстракт, мавҳум; art ~ абстракт санъат.

**abstrus**-**e** *adj* тушуниб бўлмайдиган, мужмал, ноаниқ.

**absurde** 1. *adj* **бемаъни**, беҳуда; réponse ~ **бемаъни жавоб**; 2. *m* бемаънилик, **беҳуда гап.**

**absurdement** *adv* бемаъни, беҳуда равишда.

**absurdité** *f* бемаънилик, сафсата.

**abus** *m* суиистеъмол қилиш; хиёнат қилиш; ~ du pouvoir, ~ d'autorité ҳокимиятни суиистеъмол қилиш; ўз мансабидан фойдаланиш; ~ de confiance ишончни суиистеъмол қилиш.

**abuser** 1. *vi* (de qn, qch) суиистеъмол қилмоқ, хиёнат қилмоқ; 2. *vt* алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; s'~ адашмоқ, тентирамоқ, йўлдан озмоқ.

**abusif, ve** *adj* қонунга хилоф, ғайриқонуний.

**abusivement** *adv* қонунга хилоф равишда.

**Abyssin** *m*,-**e** *f* хабаш, хабашистонлик.

**abyssin**,-**e** *adj* хабашларга оид, хабашча.

**Abyssinien** *m*,- ne *f* қ. Abyssin.

**académicien** *m*,-ne *f* академик.

**académie** *f* академия; Académie des Sciences Фанлар академияси; Académie d'agriculture Қишлоқ хўжалик фанлари академияси.

**académique** *adj* академик . . . ; академияга оид.

**accablé**,-**e** *adj* руҳан эзилган, руҳи тушган.

**accablement** *m* 1) руҳий эзилиш, маъюслик; 2) дармонсизлик.

**accabler** *vt* 1) эзмоқ, кўнглини оғритмоқ; 2) *кўчма* машаққатга қўймоқ, малол келтирмоқ; ~des questions саволга тутмоқ; ~ de travail ишга кўмиб юбормоқ; ~ de reproches таъналарга кўмиб ташламоқ; 3) толиқтирмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; ~ l' ennemi душманни ҳолдан тойдирмоқ; le sommeil l'accable уни уйқу оляпти; s' ~ (de) гинахонлик қилмоқ.

**accalmie** *f* жимжитлик, осойишталик, сукунат.

**accaparement** *m* босиб олиш, забт этиш, эгаллаб олиш.

**acaparer** *vt* 1) босиб олмоқ, забт этмоқ, эгаллаб олмоқ; 2) олиб сотмоқ, чайқовчилик қилмоқ.

**accapareu || r** *m*,**- se** *f* 1) босқинчи, босиб олувчи; 2) олибсотар, чайқовчи.

**accéd || er** *vi* (á qch) 1) етмоқ, етиб бормоқ, эришмоқ; ~ er au pouvoir ҳокимият тепасига ўтирмоқ; pays nouvellement ~ és l'indépendance эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар; 2) рози бўлмоқ, бировнинг фикрига қўшилмоқ; ~ er aux désirs de qn бировнинг хоҳишига қўшилмоқ, маъқулламоқ.

**accent** *m* 1) талаффуз, акцент; 2) урғу.

**accentuation** *f* 1) урғу, акцентуация; 2) таъкидлаш.

**accentué,- e** *adj* 1) урғули (бўғин); 2) таъкидланган, қайд этилган, ёрқин ифодаланган.

**accentuer** *vt* 1) урғу туширмоқ; урғу қўймоқ; bien ~ урғуни тўғри қўймоқ, урғуни тўғри туширмоқ; 2) босмоқ, босиб ёзмоқ; 3) кучайтирмоқ; ~ la lutte курашни кучайтирмоқ.

**acceptable** *adj* маъқул, мақбул; offre ~ маъқул таклиф.

**acceptation** *f* қабул қилиш (*таклифни*); розилик, ризолик.

**accepter** *vt* қабул қилмоқ (*таклифни*), рози бўлмоқ, кўнмоқ; ~ une invitation таклифни қабул қилмоқ.

**acception** *f* маъно; dans toute l'~ du mot том маъноси билан.

**accès** *m* 1) остона, бўсаға; кирадиган жой; 2) имкон, ижозат; рухсат; donner un large ~ á l'instruction superieur олий маълумот олишга кенг имкон яратмоқ.

**accessible** *adj* 1) кириш мумкин бўлган; 2) етиб (эришиб) бўладиган; қилиш, бажариш мумкин бўлган; ~ aux enfants болаларга мос, болалар бажарса бўладиган.

**accessit** [aksesit] *m* мақтовнома, мақтов қоғози.

**accident** *m* ҳодиса, воқеа; кўнгилсиз ҳодиса; ~ de circulation кўчада юз берадиган кўнгилсиз ҳодиса; фалокат; ~ de travail ишлаб чиқаришдаги фалокат; ◊ par ~ тасодифан.

**accidentel, - le** *adj* тасодифий, кутилмаганда.

**accidentellement** *adv* тасодифан, тўсатдан.

**acclamation** *f* табрик; хитоб билан табриклаш.

**acclamer** *vt* хитоб билан табрикламоқ, олқишламоқ.

**acclimater** *vt* янги иқлимга (шароитга) ўргатмоқ;

**accolade** *f* (*бирор муносабат билан*) табриклаб ўпиш; бўса олиш; бўса, ўпич; donner l'~ қучоқлаб ўпиш.

**accommodement** *m* битим, битишув; келишиш; proposer un ~ келишувни таклиф қилмоқ.

**accommod || er** *vt* 1) мувофиқлаштирмоқ, мослаштирмоқ; 2) келиштирмоқ; йўлга қўймоқ; ~ er une affaire ишни йўлга қўймоқ; 3) овқат пиширмоқ, тайёрламоқ; ~ er un plat таом тайёрламоқ; 4) муносиб, лойиқ бўлмоқ; мувофиқ (тўғри) келмоқ; cette maison m'~ e бу уй менга ёқади; s'~ er мувофиқлашмоқ, мослашмоқ; s'~ er de tout ҳаммага маъқул бўлмоқ.

**accompagnat || eur** *m*, **rice** *f* *муз.* жўр бўлувчи.

**accompagnement** *m* 1) кузатиб бориш, ҳамроҳ бўлиш; 2) *муз.* жўрлик, жўр бўлиш, жўрлик қилиш; ~ à grand orchestre оркестр жўрлигида.

**accompagner** *vt* 1) кузатиб бормоқ, ҳамроҳ бўлмоқ; 2) *муз.* жўр бўлмоқ

**accompli- e** *adj* рўй берган, юз берган, содир бўлган; il a vingt ans ~ s у йигирмага кирди; fait ~ юз берган воқеа, факт.

**accomplir** *vt* бажармоқ, амалга оширмоқ; ~ sa tâche ўз вазифасини бажар,

моқ; s' ~ амалга ошмоқ бажарилмоқ,

**accomplissement** *m* адо этиш, бажариш, бажарилиш;

**accord** *m* 1 битим, шартнома, келишиш; ~ commercial савдо шартномаси; arriver á un ~ бир битимга келмоқ; signer un ~ шартнома тузмоқ; avoir un ~ avec un pays бирор мамлакат билан битимга келмоқ; 2) розилик; être d' ~ рози бўлмоқ; 3) *муз*. аккорд; 4) *грам*. мослашув.

**accordage** *m муз*. созлаш.

**accordailles** *f pl* унашиш.

**accordeon** *m* аккордеон; гармонь.

**accordeoniste** *m* гармончи; аккордеончи

**accorder** *vt* 1) мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ. 2) *муз*.созламоқ; 3) *грам* мослаштирмоқ, мосламоқ; 4) бермоқ (*отпуска, муҳлат, ҳуқуқ ва шу-каби ларни);* ~ du temps муҳлат бермоқ;~ une aide ёрдам бермоқ;~ l'autorisation рухсат бермоқ.

**accordeur** *m* созловчи.

**accotement** *m* йўл ёқаси; йўл четичеккаси.

**accouchée** *f* яқинда кўзи ёриган аёл.

**accouchement** *m* туғиш, кўзи ёриш; ~ avant terme, ~ prématuré барвақт туғиш, эрта туғиш; ~ après terme, ~ tartif кеч туғиш, кечикиб туғиш.

**accoucheu||r** *m*,**-se** *f* доя, акушер, акушер аёл.

**accouder(s')** (sur qch) тирсак тираб ўтирмоқ.

**accourir** *vi* югуриб бормоқ, чопиб келмоқ; ~au secours de qn бировга ёрдам бериш учун шошилмоқ.

**accoutumance** *f* одат, ўрганиш.

**accoutumé,-e** *adj* одат бўлиб қолган, одатдаги; à l'~e одат бўйича.

**accoutumer** *vt* (qn à qch) ўргатмоқ, одатлантирмоқ;~les enfants au travail болаларни меҳнатга ўргатмоқ; s' ~ (à qch) ўрганиб қолмоқ, одатланмоқ.

**accrédité,-e** 1. *adj. дип.* вакил қилиб юборилган; 2. *m фин.* аккредитив.

**accréditer** *vt* вакил қилмоқ, вакил қилиб юбормоқ.

**accrochage** *m* улаш, туташтириш, тиркаш; уланганлик; l' ~ de deux voitures иккита машинани бир- бирига тиркаш.

**accrocher** *vt* тиркамоқ; илмоқ, осмоқ; ~ un pardessus пальтони илмоқ;~une carte au mur картани деворга осиб қўймоқ,~un tableau суратни илиб қўймоқ; s' ~ (à) илинмоқ, илиниб қолмоқ.

**accrocheur** *m* т. *п*. уловчи, тирковчи.

**accroissement** *m* кўпайтириш, орттириш, кўпайиш, ортиш, ўсиш; ~d'une plante ўсимликнинг ўсиши; ~ de la production маҳсулотнинг кўпайиши.

**accroit** *m* 1) болалаш (*ҳайвонларда*); 2) кўпайиш, ортиш, ўсиш.

**accroitre** *vt* кўпайтирмоқ, орттирмоқ, ўстирмоқ; s' ~ кўпаймоқ, ортмоқ, ўсмоқ.

**accroupir** (s') чўққаймоқ, чўққайиб ўтирмоқ.

**accrue** *f* кўпайиш, ортиш (*сув ва ш. к.*)

**accueil** *m* кутиб олиш, қарши олиш.

**accueillant,-e** *adj* очиқ чеҳрали, очиқ юзли; меҳмондўст.

**accueillir** *vt* қарши олмоқ; кутиб олмоқ; пешвоз чиқмоқ; ~ une demande илтимосни бажо келтирмоқ.

**accumul||at||eur,-rice** 1. *adj* тўплайдиган, йиғадиган; 2. *m эл.* аккумулятор

**accumulation** *f* тўплаш, йиғиш; жамғариш; ~ budgétaire бюджет жамғармаси; ~ initiale du capital дастлабки капитал жамғарма.

**accumuler** *vt* тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ.

**accusat||eur,-rice** *f* айбловчи, қораловчи.

**accusatif** *m грам.* тушум келишиги.

**accisation** *f* айблаш, қоралаш; acte d' ~ айблаш акти.

**accusatoire** *adj* айблашга, қоралашга оид.

**accusé**-e *m* *f* айбдор, гуноҳкор.

**accuser** *vt* айбламоқ, айб қўймоқ.

**acerbe** *adj* 1) нордон; fruits~s нордон мевалар; 2) кўчма дағал, қаттиқ *(гап, сўз, муомала ва ш. к. ҳақида)*.

**acétone** *f хим.* ацетон.

**acétyléne** *m хим.* ацетилен.

**acharné,-e** *adj* 1) ғазабланган, жаҳли чиққан; ашаддий; ennemi ~ ғазабланган душман; 2) қаттиқ, шиддатли; combat ~ шиддатли жанг.

**acharnement** *m* ғазаблантириш, жаҳлини чиқариш; ғазабланиш, жаҳли чиқиш.

**acharner** *vt* ғазаблантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ; s' ~ (contre qn) 1) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ; 2) (à) ишқибоз бўлмоқ.

**achat** *m* сотиб олинган нарса, харид;

**achetable** *adj* сотиб олинадиган

**acheminement** *m* олға юриш, олға суриш.

**acheminer** *vt* жўнатмоқ, юбормоқ; s' ~ жўнамоқ, кетмоқ, йўл олмоқ.

**acheter** *vt* сотиб олмоқ; харид қилмоқ;~au tant нақд пулга сотиб олмоқ; ~son prix ўз нархига сотиб олмоқ.

**acheteu**||**r** *m*,**-se** *f* харидор *(сотиб олувчи)*.

**achevé,-e** *adj* 1) тугалланган, тамом бўлган; 2) мукаммал.

**achever** *vt* 1) тугатмоқ, тамомламоқ; ~ses classes мактабни тамомламоқ; 2) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ; s' ~ тамом бўлмоқ, тугамоқ, тугалланмоқ.

**acide** 1. *adj* аччиқ, қимизак; 2. *m* кислота; ~ sulfurique сульфат кислота; ~ acétique уксус кислотаси;

**acidifier** *vt хим.* оксидламоқ; s' ~ оксидланмоқ.

**acier** *m* пўлат; ~ inoxydable зангламайдиган пўлат; ~ doux (эгилувчан) майин пўлат; en ~, d ~ пўлатдан қилинган.

**aciérage** *m* қ. **aciération.**

**aciération** f *тех.* пўлат ишлаб чиқариш.

**aciérer** *vt* пўлатга айлантирмоқ, пўлат қилмоқ.

**aciéreu**||**x**,**-se** *adj* пўлатдан қилинган.

**aciérie** *f* 1) пўлат қуйиш заводи; 2) *pl* пўлат қуйиш саноати.

**aciériste** *m* пўлат қуювчи.

**acoquiner** *vt с. т.* ўзига оғдириб олмоқ, ўзига жалб қилмоқ; s' ~ (à qch) қизиқиб қолмоқ, ишқибоз бўлиб қолмоқ

**acoustique** 1. *adj* акустикага, товушга оид; 2. *f* акустика

**acquèreur** *m* 1) харидор, сотиб олувчи; 2) манфаатпараст, тамагир *(юлғич)* одам.

**acquérir** *vt* 1) эгалламоқ, орттирмоқ, қозонмоқ; ~ des connaissances илм эгалламоқ; ~ de la gloire шуҳрат қозонмоқ; 2) олмоқ, сотиб олмоқ; 3) юлғичлик билан бойлик орттирмоқ; s' ~ ўзи учун олмоқ, ўзига сотиб олмоқ.

**acquis,-e** 1. *adj* 1) эга бўлган, эришилган, орттирилган; қозонилган; mal ~ ноҳақ, нотўғри йўл билан эришилган; 2) сотиб олинган, харид қилинган; 2. *m* билим, тажриба.

**acquit** *m* тилхат; квитанция; mettre son ~ қўл қўймоқ.

**acquitter** *vt* 1) тўламоқ; узмоқ; ~ une dette қарзни узмоқ; ~les droits de douane бож тўламоқ; ~ses impots налог тўламоқ; ~ des engagements мажбуриятни бажармоқ; 2) оқламоқ, айбсиз деб топмоқ.

**acrobate** *спорт m* акробат.

**acrobatie** *f* акробатика.

**acte** *m* 1) иш-ҳаракат; ~ de courage қаҳрамонона иш; 2) акт, ҳужжат; ~ d' accisation айблов акти; ~ de naissance туғилганлик ҳақида гувоҳнома; 3) *театр.* парда.

**act**||**eur** *m*, **-rice** *f* актёр; актриса.

**acti**||**f**,**-ve** *adj* 1) актив, фаол; prendre une part~ve à qch актив иштирок этмоқ, фаол қатнашмоқ; 2) ҳаракатдаги; ишчи, фаол; armée~ve ҳаракатдаги армия.

**action** *f* хатти-ҳаракат, иш; қилиқ; ~de penser тафаккур; ~ subversive кўпорувчилик ҳаракати; ~ de courir чопиш, югуриш; ses ~ s sont justes унинг тутган иши тўғри; ~revendicative *(меҳнаткашларнинг)* ўз ҳуқуқи учун кураши; ~ sociale ижтимоий фаолият; ~illégale, ~ clandestine махфий *(яширин)* иш; ~ s culturelles маданий-оқартув ишлари; ~ de masse оммавий чиқишлар; ~ d'éclat жасорат; мардлик; mettre en ~ ишга туширмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; l'~ se passe en France воқеа Францияда бўлиб ўтади; 2) жанг операцияси, жанг;~ défensive мудофаа; ~offensive ҳужум; 3) юр. иш; даъво; obtenir une ~ en révision даъво қилиб ишни қайта кўришга эришмоқ.

**actionnaire** *m* акционер акциячи *(акцияли жамият, ширкат аъзоси).*

**actionner** *vt* 1) ишга туширмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 2) юр. даъво қилмоқ; суд иши қўзғамоқ.

**activer** *vt* 1)ҳаракатга келтирмоқ, ишга туширмоқ; ~ le feu оловни пуфлаб ёндирмоқ- 2) тезлатмоқ, кучайтирмоқ; активлаштирмоқ; faire ~ шоширмоқ, тезлаштирмоқ.

**activité** *f* иш, фаолият; ~ publique жамоат иши; être en ~ de service *ҳарб.* ҳаракатдаги армияда хизмат қилмоқ; ~révolutionnaire революцион фаолият.

**actualité** *f* 1) замона, ҳозирги кун; замонавийлик; les ~ s замонавий воқеалар; кундалик воқеалар; 2) кинохроника.

**actuel,-le** *adj* замонавий, актуал; à l' heure ~ le *pl* ҳозирги вақтда.

**actuellement** *adv* ҳозир, ҳозирги вақтда

**adapter** *vt* мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ; ~ à l'écran экранлаштирмоқ *(бадиий асарни)*; s' ~ мослашмоқ.

**adapte** *m* тарафдор, издош.

**adhérent,-e** 1. *adj* ёндош, ёнида турган; 2. *m* тарафдор; ҳамфикр; ~ du parti партия аъзоси.

**adhérer** *vi* 1) қўшилмоқ; бирлашмоқ; 2) кирмоқ; *(партия, касаба союзга);* ~ au Parti партияга кирмоқ.

**adieu** 1. *m* хайрлашиш; faire ses~ x à . . . хайрлашмоқ; 2. *interj!* хайр!

**adjectif** *m грам.* сифат.

**adjoint** *m,-e f* ёрдамчи, ўринбосар; ~ du ministre министр ўринбосари.

**adjuration** *f* ялиниш, ёлвориш.

**adjurer** *vt* ёлвормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ

**admettre** *vt* 1) қабул қилмоқ; ~ à un concours конкурсга қабул қилиб олмоқ; ~ à l' hôpital касалхонага ётқизмоқ; 2) йўл қўймоқ, ижозат бермоқ; рози бўлмоқ.

**administrat || eur** *m,-rice f* бошқарувчи, администратор.

**administrati || f, -ve** *adj* маъмурий; corps ~ маъмурий корхона ёки муассаса раҳбарлари.

**administration** *f* 1) бошқариш, идора қилиш; ~ de l' état civil ЗАГС *(гражданлик ҳолатини қайд қилиш)* бюроси; 2) бошқарма, идора;~s publiques давлат корхоналари, давлат бошқармалари; conseil d'~маъмурий кенгаш; бошқариш; ~centrale бош бошқарма, марказий идора; 3) бериш; *(дори)* ёзиб бериш; ◊ ~paperassière қоғозбозлик, расмиятчилик.

**administrer** *vt* 1) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ, идора қилмоқ; 2) бермоқ; ~ un médicament дори ёзиб бермоқ; ~ une correction саваламоқ, урмоқ;~ des coups de baton с. т. таёқ билан урмоқ; s'~ўзлаштирмоқ, эгаллаб олмоқ; s' ~ la meilleure part яхшисини ўзига олмоқ.

**admirable** *adj* ажойиб, мўъжизакор, жозибали.

**adamirablement** *adv* ажойиб, соз, жуда соз,

**admirat || eur** *m-rice f* мухлис, ишқибоз, ихлосманд.

**admiration** f қойил қолиш; завқланиш, завқ; faire l'~ de . . , être l'~ de . . . завқини келтирмоқ.

**admirativement** *adv* завқ билан, завқланган ҳолда.

**admirer** *vt* қойил қолмоқ, завқланмоқ.

**admis,-e** *adj* қабул қилинган; ceci~ шундан келиб чиқиб.

**admissibilité** *f* раволик, жоизлик.

**admissible** *adj* 1) йўл қўйиладиган жоиз, раво; cela n'est pas ~ жоиз эмас, йўл қўйиб бўлмайди; 2) имтиҳонга (*конкурсга*) қўйилган.

**admission** *f* қабул қилиш, йўл қўйиш; ~ au parti партияга қабул қилиш.

**admonestation** *f* виговор, танбеҳ, хайфсан.

**admonester** *vt* хайфсан (*виговор*) бермоқ.

**admonition** *f* қ. admonestation.

**adolescence** *f* ўсмирлик, ўспиринлик.

**adolescent,-e** 1 *m. f* йигит, ўспирин; балоғатга етган қиз; 2 *adj* ёш, ўсмир.

**adonné,- e** *adj* берилган, фидокор, садоқатли; ~ á l' étude мутолаага берилган.

**adonner** (s') (á qch) берилиб (*киришиб*) кетмоқ.

**adopté, -e** 1. *adj* асранди.

**adopt||er** *vt* 1) болаликка олмоқ; бола қилиб олмоқ; 2) қабул қилмоқ (*бирор план ёки қонунни*):~é á l'unanimité, бир овоздан қабул қилинган.

**adoption** *f* 1) болаликка олиш; 2) қабул қилиш (*бирор план ёки қонунни*); ~ de la constitution конституция қабул қилиш; ~ d'une proposition таклифни қабул қилиш.

**adorable** *adj* жуда гўзал, жозибали, мафтункор.

**adorablement** *adv* гўзал, ажойиб.

**adorat ||eur** *m*, -rice *f* хуштор, жазман

**adorer** *vt* ғоят севмоқ, ниҳоятда яхши кўрмоқ.

**adosser** *vt* суяб қўймоқ; **s'~ (á qch,** contre qch) суянмоқ.

**adoucir** *vt* 1) бир оз ширин қилмоқ; қанд қўшмоқ; 2) жило бермоқ, силлиқламоқ; полировка қилмоқ; ~ le métal металлга жило бермоқ, металлни силлиқламоқ; 3) юмшатмоқ, майинлаштирмоқ; ~ le peau терини юмшатмоқ, 4) *кўчма* енгиллаштирмоқ; озайтирмоқ; юмшатмоқ; ~ un mal оғриқни қолдирмоқ.

**adoucissant,-e** *adj* юмшатадиган, майинлаштирадиган; une crème~e терини юмшатадиган крем.

**adoucissement** *m* 1) ширин тортиш, ширин бўла бориш; 2) юмшаш, майинлашиш; ~ de la température исиш, илиш,

**adoucisseu||r,- se** *m, f* сайқалчи пардозчи, полировкачи.

**adresse** I *f* 1) адрес; á la même ~ ўша адрес бўйича; 2) табрик хати, адрес; presenter une ~ адрес топширмоқ.

**adresse II** *f* чаққонлик, эпчиллик; avec ~ чаққонлик билан; tour d' ~ фокус, найранг.

**adresser** v*t* (qch á qn) юбормоқ, йўлламоқ; s' ~ (á qn) мурожаат қилмоқ.

**adroit, - e** *adj* чаққон, эпчил, моҳир; un chasseur~чаққон овчи.

**adroitement** *adv* чаққонлик билан,моҳирона.

**adulation** *f* хушомад, хушомадгўйлик

**aduler** *vt* хушомад қилмоқ.

**adulte** *adj* катта ёшли; вояга, камолга етган; *âge* ~ балоғат ёши.

**adultération** *f* сохталик, қалбакилик; ~ de la verité ҳақиқатни бузиб кўрсатиш.

**aduste** *adj* қуёшда қорайган, тобланган

**adventice** *adj* тасодифий; plante ~ ёввойи ўсимлик.

**adverbe** *m грам.* равиш.

**adverbial, - e** *adj грам.* равишлик хусусиятига эга бўлган.

**adversaire** *m* душман; рақиб; arretér

l' ~ душманни қўлга олмоқ; **dépasser** l' ~ рақибидан ўзиб кетмоқ.

**adverse** қарши, зид; ёв; ◇ fortu- ne ~ иши ўнгланмаслик, омади келмаслик.

**adversité** *f* бахтсизлик, фалокат

**aérateur** *m* вентилятор.

**aéré, e** *adj* шамоллатилган, ҳавоси янгиланган.

**aérer** *vt* шамоллатмоқ; ҳавони тозаламоқ.

**aérien, -ne** *adj* 1) ҳавода бўладиган, ҳаводаги; ҳаво . . . ; combat ~ ҳаводаги жанг; attaque ~ ne ҳаво ҳужуми; forces ~ nes ҳарбий-ҳаво кучлари; 2) *анат.* нафасга, нафас олишга оид; voies ~ nes нафас йўллари.

**aéro-club** [aerokloeb] *m* (*pl* aéro-clubs) аэроклуб.

**aérodrome** *m* аэродром.

**aérogare** *f* аэровокзал.

**aéronaute** *m* аэронавт *(ҳаво шарлари ва дирижаблларда учувчи киши).*

**aéronautique 1.** *adj* авиацион, авиация . . . ; industrie ~ авиация саноати; 2. *m* 1) аэронавтика; 2) ҳаво флоти; ҳарбий-ҳаво кучлари; авиация; ~ navale ҳарбий-денгиз авиацияси; ~ civile граждан ҳаво флоти; 3) самолётсозлик.

**aéroplane** *m* аэроплан, самолёт.

**aéroport** *m* аэропорт.

**aérostat** *m* аэростат, ҳаво шари.

**affabilité** *f* очиқ юзлилик, очиқ кўнгиллилик.

**affable** *adj* очиқ кўнгилли, хушмуомала.

**affablement** *adv* очиқ юз билан, очиқ кўнгил билан.

**affaiblir** *vt* кучсизлантирмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; s' ~ камаймоқ, пасаймоқ; кучсизланмоқ.

**affaire f** 1) иш, юмуш; avoir des ~ s par dessus la tête иш бошдан ортиб ётмоқ; une ~ de rien арзимаган иш; **affaire d'Etat** давлат аҳамиятига эга бўлган иш; Ministère des affaires étrangères ташқи ишлар министрлиги; ◇ l' ~ est dans le lac ишлар чатоқ; 2) судланиш; суд процесси; chauffer, brusquer l' ~ суд процессини тугатишга интилмоқ; 3) ҳийла-найранг, қаллоблик, фирибгарлик; 4) *pl m* кийим-кечак, ranger ses ~ s ўз кийим-кечакларини тартибга солмоқ; ◇ se tirer d' ~ мушкулликдан *(оғир аҳволдан)* қутулмоқ; j'en fais mon ~ менда қолиб кетмайди, менга ишонсангиз бўлади c'est mon ~ бу менинг ишим, бу менга тегишли; la belle ~ ! шу ҳам иш бўптию

**affairer** (s') тинимсиз уринмоқ, югуриб-елмоқ; s' ~ autour *(ёки* auprès) de . . . югуриб-елмоқ, ҳовлиқмоқ.

**affairiste** *m* қаллоб; найрангбоз.

**affamè, - e** *adj* оч, қорни тўймаган.

**affamer** *vt* оч қолдирмоқ.

**affameur** *m* 1) эксплуататор; 2) олибсотар, спекулянт.

**affecter I** *vt* муғомбирлик қилмоқ, ўзини бирор қуйга *(ҳолатга)* солмоқ; ~ l'indifférence ўзини бепарво кўрсатмоқ.

**affecter II** *vt* 1) таъсир этмоқ, кор қилмоқ; 2) хафа қилмоқ, ранжитмоқ, озор бермоқ; s' ~ хафа бўлмоқ, ранжимоқ.

**affection** *f* 1) меҳр қўйиш; меҳрибонлик prend e qn en ~ бировга меҳр қўймоқ; 2) касаллик, беморлик; ~ nerveuse; асаб касаллиги; ~ chronique сурункали касаллик.

**affectionné, - e** *adj* 1) севикли, дилбар; 2) севадиган, яхши кўрадиган, меҳрибон.

**affectionner** *vt* меҳр қўймоқ, севмоқ.

**affectueu || x,- se** *adj* меҳрибон, самимий; accueil ~ самимий кутиб олиш; votre fils bien ~ меҳрибон ўғлингиз . . .

**affermir** *vt* мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; ~ le pouvoir ҳокимиятни мустаҳкамламоқ; s' ~ мустаҳкамланмоқ.

**affiche** *f* афиша, эълон; ~ de publicité реклама.

**afficher** *vt* осиб қўймоқ, ёпиштирмоқ *(эълонни, буйруқни);* 2) кўргазмага қўймоқ.

**affichette** *f* варақа.

**affilé, - e** *adj* учи чиқарилган, ўткир; ◇ il a la langue bien ~ e унинг тили ўткир, у жуда шартаки.

**affiler** *vt* қайрамоқ, ўткирламоқ; ~ un rasoir устарани қайрамоқ.

**affiloir** *m* қайроқ, қайроқтош.

**affin, - e** 1. *adj* бир-бирига ўхшаш, яқин; туташ; langues ~ es қардош тиллар; 2. *m f* қариндош.

**affiner** *vt* 1) тозаламоқ, бегона нарсалардан ажратмоқ *(металлни);* 2) нозиклашмоқ, нозик бўлиб кетмоқ *(дид ҳақида).*

**affirmati || f, - ve** *adj* тасдиқлайдиган, ижобий, маъқул; réponse ~ ve ижобий жавоб.

**affirmation** *f* тасдиқлаш, тасдиқланиш.

**affirmativement** *adv* тасдиқлаб, маъқуллаб, ижобий равишда.

**affirmer** *vt* тасдиқламоқ, тасдиқ этмоқ; s' ~ тасдиқланмоқ.

**affixe** *m линг.* аффикс, қўшимча.

**affliction** *f* қайғу, гам, хафагарчилик; l' ~ ne guérit pas йиғидан фойда йўқ; йиғи ғамдан халос қилмайди.

**affligé, - e** *adj* хафа, ранжиган, дили сиёҳ.

**affliger** *vt* хафа қилмоқ, ранжитмоқ, дилини сиёҳ қилмоқ; s' ~ хафа бўлмоқ, ранжимоқ, озор чекмоқ.

**affluence** *f* оқим, ирмоқ; heures d' ~ йўловчилар кўплигидан транспортнинг тиғиз пайти.

**affluent** *m* ирмоқ, жилга.

**affluer** *vi* 1) қўшилмоқ, қуйилмоқ; 2) тўпланмоқ, йиғилмоқ.

**affolé, - e** *adj* жинни, овсар; ◇ aiguille ~ e магнит стрелкаларининг шиддатли ҳаракати.

**affoler** *vt* ақлдан оздирмоқ, гангитиб қўймоқ; s' ~ ақлдан озмоқ.

**afforestation** f дарахт ўтказиш, дарахтзор қилиш.

**affranchi, - e** *adj* 1) (de qch) эркинликка чиқарилган, озод бўлган; 2) хабардор, хабари бор.

**affranchir** *vt* озод қилмоқ, эркинликка чиқармоқ, қўйиб юбормоқ; ~ de qch бирор нарсадан қутқармоқ, озод қилмоқ.

**affranchisseur** *m* халоскор, озод қилувчи.

**affres** *f pl:* les ~ de la mort ўлим талвасаси.

**affreu || x, - se** *adj* қўрқинчли, даҳшатли; жирканч.

**Afghan m, - e** *f* афғон, афғонистонлик.

**afghan** 1. *adj* Афғонистон ва афғонистонликларга оид; афғонча; 2. *m* афғон тили.

**afin** que, afin de *conj.* учун; -га.

**Africain** *m*, **- e** *f* африкалик.

**africain, - e** *adj* Африка ва африкаликларга оид.

**agace** *m* ҳакка, зағизғон.

**agacement** *m* қўзғатиш, безовта қилиш, кичиштириш, ғашини келтириш; ~ des dents тиш қамашиши.

**agacer** *vt* қўзитмоқ, безовта қилмоқ, қичиштирмоқ; ғашини келтирмоқ; ~ des dents тишни қамаштирмоқ.

**agave** *m бот.* алоэ.

**âge** *m* 1) ёш; quel ~ avez-vous? ёшингиз нечада? bas ~ болалик; ~ ingrat ўсмирлик; entre deux ~ s ўрта ёшли, ўрта яшар; prendre de l' ~ қаримоқ; 2) давр, аср; le Moyen Age Ўрта аср.

**âgé, - e** *adj* 1) . . . ёшга кирган; ~ de douze ans ўн икки ёшда; 2) кекса, қари.

**agence** *f* агентлик.

**agenda** [aʒɛ·da] *m* ён дафтар.

**agenouiller** *(s')* тиз чўкмоқ.

**agent** *m* 1) фактор; таъсир этувчи куч, нарса, модда; agent moteur ҳаракатга келтирувчи куч; ~ s radio-actifs радиоактив моддалар; 2) агент; вакил;

~ d'affaires даллол; ~ d'assurances страхование агенти; ~ de police полициячи; ~ secret махфий агент; жосус; ~du métro метро ишчиси; метро ходими.

**aggraver** *vt* қийинлаштирмоқ, оғирлаштирмоқ; кучайтирмоқ; ~ les antogonismes антагонизмни, қарама-қаршиликни кучайтирмоқ; ~ le score *спорт* ҳисобни оширмоқ; s' ~ қийинлашмоқ, оғирлашмоқ; ёмонлашмоқ.

**agile** *adj* чаққон, эпчил, илдам.

**agilité** *f* чаққонлик, эпчиллик, илдамлик.

**agir** 1. *vi* ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ; таъсир қилмоқ; амал қилмоқ; ~ conformément á la loi қонунга мувофиқ иш кўрмоқ; ~ en connaisseur ишни билиб қилмоқ; 2. *v. impers.* il s'~ t de . . . гап . . . ҳақида бораётир; de quoi s' ~ t-il? нима гап ўзи? гап нима ҳақида бораётир?

**agitat** || **eur** *m*, **-rice** *f* агитатор.

**agiter** *vt* 1) силкитмоқ, ҳилпиллатмоқ; ~ un mouchoir рўмолчани ҳилпиллатмоқ; 2) аралаштирмоқ; 3) ҳаяжонга солмоқ.

**agneau** *m* қўзичоқ.

**agneler** *vi* қўзиламоқ.

**agrafe** *f* илмоқ, илгак; ~ de bureau скрепка.

**agraire** *adj* аграр; réforme ~ аграр реформа.

**agrandir** *vt* кенгаймоқ, кенгайтирмоқ, катта қилмоқ; s' ~ кенгаймоқ.

**agréable** *adj* ёқимли; дилкаш, кўнгилли.

**agréer** *vt* бажонидил қабул қилмоқ, маъқулламоқ; agréer l'assurance de ma considération сизга эҳтиром билан . . . (*хатнинг тугаши*).

**agresser** *vt* ҳужум қилмоқ, тажовуз қилмоқ.

**agresseur** *m* агрессор, босқинчи, босиб олувчи.

**agressi**||**f, ve** *adj* тажовузкор, агрессив

**agression** *f* тажовуз, агрессия; guerre d' ~ агрессив уруш.

**agricole** *adj* қишлоқ хўжалигига оид.

**agriculture** *f* қишлоқ хўжалиги.

**agrologie** *f* тупроқшунослик.

**agronome** *m* агроном.

**agronomie** *f* агрономия, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги фан.

**aide** 1. *f* ёрдам; ~ réciproque ўзаро ёрдам; à l' ~ de . . . ёрдамида, кўмагида; sans l' ~ de personne ҳеч кимнинг ёрдамисиз; crier à l' ~ ёрдамга чақирмоқ; venir en ~ ёрдамга келмоқ; 2. *m* ёрдамчи; ~ de camp адъютант; ~ maternelle тарбиячи (*боғчада*).

**aider** *vt* ёрдам бермоқ, ёрдамлашмоқ; ~ qn de sa bourse бировга моддий ёрдам бермоқ.

**aïeux** *m pl* ота-боболар, авлод-аждодлар.

**aigle** *m, f* бургут.

**aigre** *adj* 1) аччиқ, қимизак. 2) кислота.

**aigrefin** *m* аблаҳ, разил, муттаҳам.

**aigu, -ё** *adj* ўткир, кескир; angle ~ ўткир бурчак.

**aiguille** [egyui] *f* 1) нина, игна; ~ à coudre тикув машинасининг игнаси; 2)стрелка (соатда); petite ~ минут стрелкаси; l' ~ des secondes секунд стрелкаси.

**ail** [a:j] *m* (*pl* aulx, ails) саримсоқ, саримсоқпиёз.

**aile** *f* 1) қанот; 2) *ҳарб.*қанот, фланг, ён томон; 3) *pl* соябон (*шляпада*); ◊ á tire — d' ~ бор кучи билан, жони борича; ronger les ~ s á qn *кўчма* қанотини қайирмоқ, қанотини қирқмоқ.

**ailé, - е** *adj* қанотли, қаноти бор; poissons ~ s учар балиқлар.

**ailier** *m спорт* четдаги ҳужумчи; ~droit четдаги ўнг ҳужумчи; ~ gauche четдаги чап ҳужумчи.

**ailleure** *adv* бошқа жойда; ◊ d' ~ аммо айтганда.

**aimable** *adj* илтифотли, хушмуомалали.

**aimablement** *adv* хушмуомалалик билан.

**aimant** I *m* магнит.

**aimant II**, **-e** *adj* меҳрибон, азиз, севувчи.

**aimer** *vt* севмоқ, яхши кўрмоқ; ~ sa patrie ўз ватанини севмоқ.

**aîné,-e** *adj* катта, ёши катта; frére~ ака; soeur ~ e опа.

**ainsi I** *adv* шундай қилиб, шундай; et ~ de suite ва шу кабилар; 2. conj. демак, бинобарин.

**air I** *m* 1) ҳаво; au grand ~ тоза ҳавода; ~ comprimé *физ.* сиқиқ ҳаво; ~ liquide суюқ ҳаво; ~ lourd бузилган (*дим*) ҳаво; ~ libre, grand ~ тоза ҳаво; prendre l' ~ очиқ ҳавога чиқмоқ; en l' ~ҳавода; ҳавога; en plein ~, au grand ~очиқ (*тоза*) ҳавода; renouveler l' ~ d' une chambre хонани шамоллатмоқ; vivre de l' ~ du temps замондан орқада қолмаслик; замон билан ҳамнафас бўлмоқ; 2) шамол; 3) l' Air Ҳарбий -ҳаво кучлари; parler en l' ~ ўйламай гапирмоқ, беҳуда гапирмоқ; avoir le nez en l'~*с.т.* ўз фикрига эга бўлмасдан, бошқанинг фикрига қўшилмоқ; contes (*ёки* paroles) en l' ~ бемаъни гап, сафсата.

**air II** *m* кўриниш, қиёфа; prendre des airs гердаймоқ, керилмоқ; avoir l'~de.. бўлиб кўринмоқ.

**air III** *m* ария куй.

**aisance** *f* 1) эркинлик, енгиллик; avoir de l' ~ ўзини эркин тутмоқ; 2) бойлик, бадавлатлик.

**aise** *f* 1) хурсандлик, қувонч; 2) қулайлик, ўнғайлик; ◇ être á son ~ ўзини эркин ҳис этмоқ.

**ajournement** *m* кейинга қолдириш, кейинга суриш.

**ajourner** *vt* кейинга қолдирмоқ, кейинга сурмоқ.

**ajouter** *vt* (qch á qn, á qch) қўшмоқ, бириктирмоқ.

**ajuster** *vt* 1) тўғрилаб ўрнаштирмоқ, жойига туширмоқ; 2) мўлжалламоқ, нишонга олмоқ; 3) йиғмоқ (*машинани*).

**alarmant,- e** *adj* хавотирли, ташвишли.

**alarme** *f* 1) хавотир; ташвиш; 2) тревога; donner l' ~, sonner l' ~ тревога бермоқ, хатардан дарак бермоқ.

**alarmer** *vt* 1) хавотирлантирмоқ, ташвишга солмоқ; 2) тревога кўтармоқ; s' ~ хавотирланмоқ, ташвишланмоқ.

**Albanais** *m* **-e** *f* албан, албаниялик.

**albanais,- e** 1 *adj* Албанияга ва албанларга оид; албан...; албанча; 2. *m* албан тили.

**albâtre** *m* алебастр.

**album** [albɔm] *m* альбом.

**albumen** [albymɛn] *m биол.* оқсил.

**alcali** *m хим.* ишқор.

**alchimie** *f* алхимия.

**alchimiste** *m* кимёгар, алхимик.

**alcool** *m* алкоголь, спирт.

**alcoolique I.** *adj* алкогол (*спирт*)га оид; 2. *m,f* алкоголик, алкоголизмга мубтало бўлган одам.

**alcoolisme** *m* алкоголизм.

**alentour I.** *adv* теварак - атрофда, теваракда; 2. *m pl* атроф, теварак.

**alerte I.** *adj* 1) ҳушёр; 2) чаққон, эпчил, илдам; 2. *f* тревога сигнали;~ aérienne ҳаво тревогаси; ~ d'instruct-tion машқ тревогаси, машқ учун бериладиган тревога; donner l' ~ тревога кўтармоқ, тревога бермоқ.

**alerter** vt тревога сигналини бермоқ; ~ les pompiers ўт ўчирувчиларни чақирмоқ; ~ les forces барча кучни сафарбар қилмоқ.

**alésage** *m тех.* пармалаш.

**aléser** *vt тех.* пармаламоқ.

**alésoir** *m тех.* парма, пармалаш станоги.

**algèbre** *f* алгебра.

**algébrique** *adj* алгебраик, алгебрага оид.

**Algérien** *m* **- ne** *f* жазоирик.

**algérien, - ne** *adj* Жазоирга ва Жазоир халқига оид.

**aliéné, -e** *adj*, s руҳий касал, жинни, девона; maison d' ~ s руҳий касалликлар уйи, жиннихона.

**aliéniste** *m* психиатр, руҳий касалликлар мутахассиси.

**alignée** *f* қатор.

**alignement** *m* 1) текислаш, текисланиш; қаторга (*сафга*) қўйиш; 2) қатор, саф; *ҳарб.* сафланиш; ~ à droite ўнгга қараб сафланиш.

**aligner** *vt* текисламоқ, қаторга (*сафга*) қўймоқ.

**aliment** *m* 1) озиқ-овқат; 2) *pl* алимент, нафақа.

**alimentaire** *adj* 1) озиқ-овқатга оид; озиқ-овқат...; industrie ~ озиқ-овқат саноати; 2) еб бўладиган; озиқ бўладиган.

**alimentation** *f* 1) овқатлантириш, едириш; овқатланиш; ~ collective умумий овқатланиш; 2) таъминлаш, таъмин этиш, етказиб бериш; ~ en vivres озиқ-овқат билан таъминлаш; ~ en eau сув билан таъминлаш; 3) озиқ-овқат саноати.

**alimenter** *vt* 1) овқатлантирмоқ, едирмоқ; 2) таъминламоқ, етказиб бермоқ.

**alimenteur, -se** *adj* еб бўладиган, овқат бўладиган.

**alinéa** *m* сатр боши, абзац.

**alise** *f* дўлана (*меваси*).

**alisier** *m* дўлана (*бутаси*).

**aliter** *vt* беморни ётқизмоқ, жойламоқ; s' ~ ётиб қолмоқ, касал бўлмоқ.

**allaitement** *m* эмизиш.

**allaiter** *vt* эмизмоқ.

**alléchant, -e** *adj* қизиқтирадиган, ўзига тортадиган, қизиқарли; proposition ~e қизиқарли таклиф,

**allécher** *vt* ўзига тортмоқ, қизиқтирмоқ.

**allée** *f* тор йўл; хиёбон; ~ forestière ўрмонда очилган йўл; ◇ les ~s et venus у ёқдан-бу ёққа юриш.

**alléger** *vt* енгиллаштирмоқ, осонлаштирмоқ; ~ son coeur юрак дардини бўшатмоқ.

**allégresse** *f* хурсандчилик, шодлик, қувонч.

**alléguer** *vt* далил қилиб келтирмоқ, гувоҳ қилиб кўрсатмоқ; ~ des raisons далил келтирмоқ.

**allemand** *m*-е *f* немис, немис аёли.

**allemand, -e** 1. *adj* немисларга оид, немис...; 2. *m* немис тили.

**aller** 1. *vi* 1) юрмоқ, силжимоқ; ~ à pied пиёда юрмоқ; ~ à bicyclette велосипед миниб юрмоқ; le train va lentement поезд секин юряпти; ~ son chemin ўз йўлидан бормоқ, ўзича иш тутмоқ; ~ et venir у ёқдан-бу ёққа юрмоқ; 2) жўнамоқ, кетмоқ; ~ au bureau хизматга (*ишга*) кетмоқ; ~ au feu жангга кирмоқ; 3) тўғри келмоқ, муносиб (*лойиқ*) келмоқ, мос келмоқ; cela me va бу менга тўғри келади; 4) ярашмоқ; ce chapeau lui va бу шляпа унга ярашади; 5) яшамоқ, ўзини... ҳис этмоқ; comment allez-vous?, comment cela va-t-il?, comment ça va? қалайсиз, аҳволингиз қалай? 6) барқарор сўз бирикмалари составига киради; ~ de l'avant олдинда бўлмоқ; elle allait sur ses soixante-dix ans у (аёл) етмиш ёшга қадам қўйди; 7) ўзидан кейинги феъл билан биргаликда яқин келаси замонни ясайди: nous allons rester ici биз шу ерда қоламиз; il va partir dans un instant у ҳозир жўнаб кетади; ◇ s'en ~ кетмоқ, кетиб қолмоқ; allez vous-en! йўқолинг! жўнанг! кетинг!

**aller** II *m* юриш.

**alliance** *f* 1) иттифоқ, бирлик; traité d' ~ бирлик ҳақидаги шартнома; 2) никоҳ; 3) никоҳ узуги, кўзсиз узук.

**allié, -e** 1. *adj* иттифоққа оид, иттифоқчи; 2. *m, f* иттифоқдош, иттифоқчи.

**allier** *vt* 1) эритиб уламоқ, қотиштирмоқ, 2) аралаштирмоқ, қориштирмоқ; 3) бириктирмоқ, бирга қўшмоқ, ўзида бирлаштирмоқ; s' ~ 1) қотишмоқ; 2) аралашмоқ, қоришмоқ.

**allocation** *f* 1) маблағ ажратиш, пул чиқариш; 2) нафақа, ёрдам пул; ~ de chômage ишсизлар нафақаси (*капита-*

[illegible] *мамлакатларда*); ~ familiale оила болаларига бериладиган ёрдам пули, нафақа; ~ viagère қарилик пенсияси, қарилик учун бериладиган пенсия.

**allocution** *f* қисқа гап, қисқача нутқ; ~ d'ouverture кириш сўзи, кириш нутқи.

**allongé,- e 1.** *adj* 1) узунчоқ, чўзинчоқ; 2) узайтирилган, чўзилган, узайтириб (*чўзиб*) юборилган; **2.** *m pl* ўринда ётадиган касаллар, оғир касаллар.

**allonger** *vt* 1) узайтирмоқ, улаб узайтирмоқ; 2) чўзмоқ; ~ le cou бўйинни чўзмоқ; ~ les jambes оёқни чўзмоқ (*узатмоқ*); s' ~ 1) узаймоқ, 2) чўзилмоқ.

**allouer** *vt* маблағ ажратмоқ, пул чиқармоқ.

**allumage** *m* 1) ёқиш, ёндириш; 2) *тех.* запал.

**allumer** *vt* 1 ёқмоқ, ёндирмоқ; ~ un feu de bois гулхан ёқмоқ; 2) *кўчма* уйғотмоқ; авж олдирмоқ, ғайратлантирмоқ, руҳлантирмоқ; s'~ёқилмоқ, ёндирилмоқ.

**allumette** *f* гугурт; frotter une ~ гугурт ёқмоқ.

**allumoir** *m* зажигалка.

**allure** *f* 1) юриш, қадам ташлаш; 2) юриш, темп, тезлик; ◇ cette affaire prend une mauvaise ~ бу иш ёмонлашиб кетяпти.

**allusion** *f* имо, ишора, киноя; ~ discrète нозик киноя, faire ~ à... ишора қилмоқ.

**almanach** [almana] *m* альманах.

**aloi** *m* 1) проба (*олтин, кумуш устига қўйилган тамға*); 2) сифат; de bon ~ сифати яхши; de bas ~, de mauvais ~ сифати паст.

**alors** *adv* у вақтда, унда, у чоғда; ~ que худди шу вақтда; jusqu'~ ўша вақтгача, ўша чоққача.

**alouette** *f* тўрғай, сўфитўрғай.

**alourdir** *vt* оғирлаштирмоқ, вазминлаштирмоқ, оғирлаштириб қўймоқ; s'~ оғирлашмоқ, вазминлашмоқ.

**alpage** *m* тоғдаги яйловлар.

**alpe** *f* баландлик, тепалик, баланд тоғ.

**alpestre** *adj* Альп тоғларига ва умуман баланд тоғларга оид.

**alphabet** *m* 1) алфавит; 2) алифбе китоби.

**alphabétique** *adj* алифбега, алфавитга оид; en ordre ~ алифбе тартибида, алфавит тартибида.

**alphabétiser** *vt* алфавит тартибида жойламоқ

**alpiniste** *m, f* альпинист.

**alpinisme** *m* альпинизм

**alpique** *adj* Альп тоғларига ва умуман баланд тоғларга оид.

**altaïque** *adj* Олтой ўлкасига ва олтойликларга оид;

**altération I** *f* 1) ўзгартириш, ўзгариш; ~s organiques органик ўзгаришлар; 2) бузиш, нотўғри талқин қилиш.

**altération II** *f* жуда чанқаш, ташна бўлиш, ташналик.

**altercation** *f* айтишиб қолиш; жанжал, араз.

**altérer I** *vt* 1) ўзгартирмоқ, ўзгартмоқ; 2) бузмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, бузиб кўрсатмоқ (*текстларни*); s'~ ўзгармоқ, ўзгариб кетмоқ.

**altérer II** *vt* чанқатмоқ, ташна қилмоқ.

**alternance** *f* навбатлаш, навбатма-навбат келтириш; ~ des cultures алмашлаб экиш.

**alternat||f,- ve** *adj* навбат билан, навбатма-навбат, галма-гал; ўзгариб турадиган, ўзгарувчан (*ток ҳақида*)

**alterner** *vi* навбатлашмоқ; алмашмоқ, алмашинмоқ.

**alt||ier,- ière** *adj* такаббур, кеккайган.

**altitude** *f* баландлик (*денгиз сатҳидан баланд жой*).

**aluminium** [alyminjɔm] *m* алюминий.

**alvéole** *m анат.* альвеола.

**amabilité** *f* илтифот, меҳрибонлик

**amaigri,- e** *adj* озиб кетган, озғин, ориқ.

**amaigrir** 1. *vt* оздирмоқ; 2. *vi* озмоқ, озиб кетмоқ.

**amandaie** *f* бодомзор.

**amande** *f* 1) бодом (*ҳосили*); les yeux en~бодом қовоқли; 2) ёнғоқ мағзи; pour avoir l'~ il faut casser le noyau жон чекмасанг жонона қайда. *матал*

**amandier** *m* бодом (*дарахти*).

**amant** *m*, **-e** *f* ўйнаш, жазман.

**amas** *m* уюм, тўплам, тўда.

**amasser** *vt* йиғмоқ, тўпламоқ; s'~ йиғилмоқ.

**amateur** *m, f* ишқибоз, ҳаваскор.

**amazone** *f* отлиқ хотин; monter en~ эгарга ёни билан ўтирмоқ.

**ambassade** 1) элчихона; 2) с.т. топшириқ, вазифа; chargez-vous de l'~ бу ишни бажаришни ўз зиммангизга олинг.

**ambassadeur** *m* элчи;~extraordinaire et plénipotentiaire фавқулодда ва мухтор элчи.

**ambiance** *f* муҳит, атроф.

**ambitieu||x, -se** 1. *adj* шуҳратпараст; 2. *m, f* шуҳратпараст, амалпараст.

**ambition** *f* шуҳратпарастлик.

**ambitionner** *vt* таъмагир бўлмоқ, интилмоқ, хоҳламоқ.

**ambre** *m* анбар;~jaune қаҳрабо.

**ambrer** *vt* атир сепмоқ.

**ambulance** *f* 1) ҳаракатдаги госпиталь, дала госпитали; 2) медицина пункти, медпункт; 3) тез ёрдам машинаси.

**ambulanci||er** *m*, **-ère** *f* санитар, санитарка (*медпунктда*).

**ambulant, -e** *adj* 1) элма- эл кезиб юрувчи; кўча- кўйларда юрадиган, саёқ; 2) сайёр, кўчма; cinéma~кўчма кино.

**âme** *f* 1) жон; кўнгил; du fond de l'~чин юракдан; une bonne~хушфеъл одам; chanter avec~берилиб, астойдил куйламоқ; rendre l'~қазо қилмоқ, ўлмоқ; 2) одам, жон; pas une~vivante, il n'y a~qui vive бирор тирик жон йўқ; ҳеч ким йўқ.

**améliorer** *vt* яхшиламоқ, созламоқ; ~une terre ерни ўғитламоқ; s'~яхшиланмоқ.

**amen** [amen] *m* омин; dire~, répondre~рози бўлмоқ.

**aménager** *vt* тўғриламоқ, тартибга солмоқ.

**amende** *f* штраф, жарима; mettre à l'~штраф солмоқ.

**amener** *vt* 1) келтирмоқ, олиб келмоқ; quel bon vent vous amène? *с.т.* сизни қайси шамол учирди? 2) (qch sur) бурмоқ;~la conversation гапни бошқа томонга бурмоқ; 3) бошлаб бермоқ; одат тусига киритмоқ, расм қилмоқ,~une mode модани расм (*урф*) қилмоқ.

**am||er, -ère** *adj* аччиқ; тахир; j'ai la bouche~ère оғзим тахир◇verser des larmes~ères зор- зор йиғламоқ.

**américain, -e** *adj* Америка ва америкаликларга оид;

**américain** *m*, **-e** *f* америкалик.

**ameublement** *m* мебель.

**ami, -e** *m f* дўст; дугона;~constant чин дўст.

**amical** 1. *adj* дўстона; 2. *f* жамият, уюшма.

**amicalement** *adv* дўстона, ўртоқларча

**amidon** *m* оҳор, крахмал.

**amidonnage** *m* оҳорлаш, оҳор бериш, крахмаллаш.

**amidonner** *vt* оҳорламоқ, оҳор бермоқ, крахмалламоқ.

**amincir** *vt* ингичкаламоқ, ингичка (*юпқа*) қилмоқ; s'~юпқаланмоқ, ингичкаланмоқ.

**amiral, -e** 1. *adj* адмиралга оид; адмирал. . .; 2. *m* адмирал.

**amiralissime** *m* денгиз кучлари бош қўмондони.

**amirauté** *f* 1) Олий Ҳарбий денгиз бошқармаси; 2) адмираллик унвони.

**amitié** *f* дўстлик,~indéfectible бузилмас дўстлик; se lier d'~avec qn биров билан дўстлашмоқ; avoir de l'~ pour qn бировни яхши кўрмоқ; prendre qn en~дўстлашмоқ, ўртоқлашмоқ.

**ammoniac** *adj* *тех.* аммиакка оид; **аммиак. . .**; gaz~аммиак; sel ~нашатирь, новшадил.

**ammoniaque** 1. *adj* қ. ammoniac; 2. *f*, *m* аммиак, нашатирь спирти.

**amnistie** *f* амнистия, авф; accorder une~авф этмоқ.

**amodiataire** *m* ижарага олувчи.

**amodiation** *f* ижарага бериш.

**amodier** *vt* ижарага бермоқ.

**amoindrir** *vt* қисқартмоқ, озайтирмоқ; s'~қисқармоқ

**amoindrissement** *m* қисқартириш, озайтириш; қисқариш.

**amollir** *vt* юмшатмоқ, мулойим қилмоқ; s'~юмшамоқ.

**amonceler** *vt* йиғмоқ, уст- устига уйиб ташламоқ; s'~ йиғилмоқ, тўпланмоқ.

**amoncellement** *m* уйиш, уст- устига ташлаш, уйиб ташлаш;~de neige қор уюми.

**amont** *m*;~, le pays d'~сувнинг бошига яқин жойлар, дарёнинг юқориси (*боши*) ; en~оқимнинг юқорисига қараб.

**amoral,- e** *adj* ахлоқсиз, ахлоқи бузуқ.

**amorce** *f* хўрак, ем (*қармоқда).*

**amorcer** *vt* 1) хўрак илиб қўймоқ (*қармоққа*); 2) *кўчма* қизиқтирмоқ.

**amorphe** *adj* аморф; шаклсиз, формасиз.

**amorphie** *f* шаклсизлик, формасизлик.

**amortir** *vt* 1) кучсизлантирмоқ; пасайтирмоқ; ~ le coup зарбни пасайтирмоқ; 2) тўламоқ, узмоқ (*қарзларни).*

**amortissement** *m* 1) кучсизлантириш; пасайтириш; 2) тўлаш, узиш (*қар ларни*); 3) *тех.* амортизация.

**amour** *m* севги, муҳаббат; меҳр; ~ de la patrie ватанга муҳаббат, ватанни севиш; ~ maternel оналик меҳри, она меҳри; pour l' ~ de . . . севганидан, меҳр қўйганидан; avoir de l' ~ pour qn севмоқ, муҳаббат қўймоқ; ◇ mon ~ , m' ~ жоним, жонгинам, азизим.

**amoureu||x,- se** 1. *adj* ошиқ, хуштор; être ~ de qn бировга ошиқ бўлиб қолмоқ; 2. *m*, *f* ошиқ, маъшуқ, маъшуқа.

**amour- propre** *m* (*pl* amours- propres) иззати нафс.

**ampère** *m* *физ.* ампер.

**amphithéâtre** *m* амфитеатр.

**ampleur** *f* кенглик; кўлам; тўлиқлик, тўла- тўкислик; l' ~ d'un mouvement ҳаракат кўлами.

**amplitude** *f* *физ.* амплитуда.

**ampoule** *f* 1) ампула, шиша (*кичкина шиша идиш*); 2) лампочка, лампа; ~ électrique электр лампа, электр чироқ.

**amputation** *f* ампутация.

**amputé, - e** *adj* ампутация қилинган.

**amputer** *vt* ампутация қилмоқ, хирургия йўли билан кесиб ташламоқ; ~ d' une jambe оёқни кесиб ташламоқ.

**amulette** *f* тумор.

**amunitionner** *vt* ўқ- дорилар билан таъминламоқ.

**amusant, - e** *adj* қизиқ, қизиқарли, мароқли, ғалати; lecture ~e эрмак учун китоб ўқиш.

**amusement** *m* кўнгил очиш, вақтичоғлик.

**amuser** *vt* кўнгил очмоқ, вақтини чоғ қилмоқ, овунтирмоқ.

**an** *m* 1) йил; il y a trois ~ s уч йил бурун; au bout d' un ~ бир йил ўтгандан кейин, бир йилдан кейин; le Nouvel~ янги йил; l' ~ passé ўтган йил; par ~ ҳар йили, йил сайин; dans un ~ бир йилдан кейин; tous les ~ s ҳар йили; une fois l' ~ йилда бир марта;2) ёш;de vingt ~ s йигирма яшар, йигирма ёшдаги; un homme dans les soixante ~ s олтмиш ёшлардаги киши.

**analogie** *f* ўхшашлик, аналогия.

**analogique** *adj* ўхшаш, шунга ўхшаган.

**analogue** *adj* ўхшаш, аналогик, худди шундай.

**analphabète** *adj* саводсиз, ўқиш- ёзишни билмайдиган.

**analphabétisme** *m* саводсизлик.

**analyse** *f* анализ, таҳлил; ~ du sang қон анализи; ~ quantitative миқдор анализи; ~ qualitative сифат анализи; ~ grammaticale грамматик разбор; ◇ en dernière ~ провардида, охирида; натижада.

**analyser** *vt* анализ қилмоқ, таҳлил қилмоқ.

**analytique** *adj* аналитик.

**anarchie** *f* анархия, тартибсизлик; ~ de la production ишлаб чиқариш анархияси, ишлаб чиқаришдаги тартибсизлик.

**anarchique** *adj* анархизмга ва анархистларга оид.

**anarchisme** *m* анархизм.

**anarchiste** *m, f* анархист, анархиячи.

**anatomie** *f* анатомия.

**anatomique** *adj* анатомик, анатомия. .

**anatomiser** *vt* ўликни ёрмоқ, ўликни ёриб кўрмоқ.

**anatomiste** *m* анатом, анатомия олими.

**ancêtres** *m pl* ота-боболар, авлод-аждодлар.

**ancien,-ne** 1. *adj* бурунги, қадимги; илгариги, собиқ; ~ professeur собиқ ўқитувчи; 2. *m, pl* (les ~s) қадимгилар, бурунгилар, қадимги замон одамлари.

**anciennement** *adv* бурун, илгари, илгариги вақтларда.

**ancienneté** *f* қадимийлик, қадимги замон; de toute ~ қадим замонлардан буён.

**ancre** *f* лангар; jeter l'~ лангар ташламоқ; ◇ ~ de salut охирги чора, сўнгги умид.

**ancrer** 1. *vi* лангар ташламоқ, лангар ташлаб турмоқ; 2. *vt* темир скобалар билан мустаҳкамламоқ.

**andouille** *f* 1) чўчқа гўштидан тайёрланган колбаса; 2) *кўчма* аҳмоқ, тентак.

**âne** *m* 1) эшак; 2) *кўчма* аҳмоқ, тентак; un ~ bâté гирт аҳмоқ, ўтакетган аҳмоқ; ◇ être comme l'~ de Buridan саросимада бўлмоқ, иккиланиб қолмоқ.

**anéant||ir** *vt* яксон қилмоқ, йўқ қилмоқ, маҳв қилмоқ; ~i par la douleur ғам билан эзилган.

**anéantissement** *m* яксон қилиш, йўқ қилиш, маҳв этиш.

**anecdote** *f* латифа, анекдот.

**anecdotique** *adj* латифага, анекдотга оид.

**aneth** *m* укроп, шивит.

**ange** *m* фаришта, малак; ◇ être aux ~s боши кўкка *(осмонга)* етмоқ, оғзи қулоғида бўлмоқ.

**angélique** *adj* фариштага, малакка оид; фаришта . . .

**angine** *f мед.* ангина; ~ de poitrine юрак сиқиш касали.

**Anglais** *m,* -e *f* инглиз, англиялик.

**anglais,-e** 1. *adj* Англия ва инглизларга оид; инглиз. . . ; 2. *m* инглиз тили.

**angle** *m* бурчак; ~ droit тўғри бурчак; ~ de réflection *физ.* қайтиш бурчаги.

**angoisse** *f* гам-ғусса, қайғу, ҳасрат.

**animal,-e** 1. *adj* ҳайвонга оид; ҳайвон. . . ; règne ~ ҳайвонот олами; 2. *m* ҳайвон, ҳайвонот, жонивор; ~ domestique уй ҳайвонлари.

**animat||eur** *m,* -rice *f* илҳом берувчи, илҳомлантирувчи.

**animation** *f* жонлантириш, тирилтириш, жонланиш.

**animé,-e** *adj* 1) жонлантирилган, жонлантириб кўрсатилган; 2) қизғин; debats ~s қизғин музокаралар; ◇ teint ~ тоза чеҳра, тиниқ юз; il est fort ~ contre vous у жуда сизга қарши бўлиб юрибди.

**animer** *vt* 1) жонлантирмоқ, тирилтирмоқ; 2) ғайратлантирмоқ, руҳлантирмоқ; ~ des soldats au combat солдатларни жангга кириш учун руҳлантирмоқ; s'~ жонланмоқ.

**animosité** *f* душманлик, адоват, хусумат.

**annal,-e** *adj* йиллик, бир йиллик.

**annales** *f pl* солнома, йилнома.

**annaliste** *m* солномачи, солнома тузувчи.

**anneau** *m* узук; ~nuptial никоҳ вақтида келин-куёвга тақиладиган кўзсиз узук.

**année** *f* йил ~ bissextile кабиса йили; ~scolaire ўқув йили; ~de bonne (de mauvaise) récolte мўл ҳосил *(кам ҳосил)* йили; l' ~ passée, l' ~ dernière ўтган йил; tout l'~, les douze mois de l'~ йил бўйи; йил ўн икки ой; l'~prochaine келаси йил, келгувси йил; ~s vingt, trente, etc. йигирманчи, ўттизинчи ва шу каби йиллар; il est dans sa vingtième~ у йигирма ёшга қадам қўйди; souhaiter la bonne~янги йил билан табрикламоқ; Bonne~! Янги йил билан! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! d'~en ~, d'une~à l' autre йил сайин.

**annexer** *vt* (qch à qch) 1) қўшмоқ бирга қўшмоқ; 2) забт қилмоқ, босиб олмоқ.

**annexion** *f* 1) қўшиш, бирга қўшиш; 2) забт этиш.

**anniversaire** *m* йиллик *(маълум йилга тўлиш маросими);* fêter l'~кимса ё ё нарсанинг . . . йиллигини нишонламоқ.

**annonce** *f* эълон, хабар; faire l'~ эълон бермоқ.

**annonc || er** *vt* 1) эълон бермоқ, билдирмоқ, хабар қилмоқ; 2) башорат қилмоқ, олдиндан хабар бермоқ; ~une éclipse du soleil, de la lune ой, қуёш тутилишини башорат қилмоқ.

**annotation** *f* 1) эслатма, изоҳ; 2) аннотация.

**annoter** *vt* 1) изоҳ бермоқ; 2) аннотация ёзмоқ.

**annuaire** *m* йилда бир чиқадиган нашр.

**annuel, -le** *adj* ҳар йилги, ҳар йили бўладиган, йиллик; assemblée; ~le йиллик мажлис; plante~le бир йиллик ўсимлик.

**annuellement** *adv* ҳар йил, ҳар йилда, йил сайин.

**annulaire** *m* номсиз бармоқ, жимжилоқ билан ўрта қўл оралиғидаги бармоқ.

**annulation** *f* бекор қилиш; бекор қилиниш.

**annuler** *vt* бекор қилмоқ; бузмоқ; ~ un traité шартномани бекор қилмоқ.

**anonyme** *adj* номи ёзилмаган, номсиз, аноним; société~акцияли жамият.

**anse** f банд, соп, даста, тутқич.

**antagonique** *adj* тескари, зид, антагонистик.

**antagonisme** *m* антогонизм, зиддият; ~s de classe синфий зиддият.

**antagoniste** 1. *m* антагонист, душман рақиб, зид. 2. *adj* антагонистик, тамоман бир-бирига зид.

**antarctique** *adj* Антарктикадаги, Жанубий қутб доирасидаги.

**antécédent, - e** *adj* олдинги, илгариги, аввалги.

**antenne** *f* антенна; ~de réception, ~réceptrice кабул қиладиган антенна.

**antérieur, - e** *adj* (à qch) олдинги, илгариги.

**anthropoïde** 1. *adj* одамсимон, одамга ўхшаган *(маймунлар ҳақида);* 2. *m* антропоид, одамсимон маймун.

**anthropologie** *f* антропология.

**antiaérien, - ne** *adj* ҳаво ҳужумига қарши; самолёт отиб туширадиган; canon~зенит тўпи.

**anti - aéronautique** *f* ҳаво ҳужумига қарши мудофаа.

**anti - avion** *adj.* қ. **antiaérien.**

**antichambre** *f* даҳлиз.

**antichar** (s) *adj* танк ҳужумига қарши, танклар ҳужумидан ҳимоя қиладиган; fosse~s танк ўтмасин деб қазилган хандақлар.

**anticipé,- e** *adj* муддатидан илгари.

**antifasciste** 1. *adj* фашизмга ва фашистларга қарши қаратилган; 2. *m, f* антифашист.

**antigaz** *adj* химиявий газларга қарши қўлланиладиган.

**antilégal,- e** *adj* қонунга хилоф, ғайри қонуний

**antilogique** *adj* мантиқсиз, мантиққа хилоф.

**antilope** *f* антилопа.

**antimilitarisme** *m* антимилитаризм.

**antimilitariste** 1. *adj* антимилитаристик, милитаризмга қарши; 2. *m* антимилитарист.

**antiparti** *adj* антипартиявий, партия йўлига зид, хилоф.

**antipopulaire** *adj* халққа зиён келтирадиган.

**antique** *adj* антик, қадимги.

**antiquité** *f* антик дунё, қадимги замон; la haute~жуда қадимги замон de toute~илгаридан, эскидан, қадимдан.

**antireligieu||x,-se** *adj* динга қарши қаратилган, атеистик.

**antiscientifique** *adj* фанга асосланмаган, илмга қарши.

**antithèse** *f* антитеза, қарши қўйиш.

**antonyme** *m* антоним.

**antre** *m* ғор, унгур.

**anxiété** *f* ғам, ғусса; хавотир, ташвиш.

**anxieu||x,-se** *adj* ташвишли, хавотирли.

**août** *m* август; en~, au mois d'~ августда, август ойида.

**apache** *m* безори; таловчи, босқинчи.

**apaiser** *vt* тинчитмоқ, тинчлантирмоқ; s'~тинчимоқ.

**apathie** *f* ҳафсаласизлик, лоқайдлик, бепарволик.

**apathique** *adj* лоқайд, беҳафсала, бепарво.

**apercevable** *adj* кўринадиган, кўриниб турган.

**apercevoir** *vt* кўрмоқ, кўриб қолмоқ; s'~(de qch) фаҳмламоқ, пайқамоқ, пайқаб қолмоқ.

**aperçu** *m* 1) қисқа баёнот, қисқача ҳикоя қилиб бериш; обзор, очерк; 2) фикр, мулоҳаза.

**à peu près** *loc. adv* тахминан, қарийб, деярли.

**aphorisme** *m* афоризм, ҳикматли сўз.

**apicole** *adj* асаларичиликка ва асаларичига оид.

**apiculteur** *m* асаларичи.

**apiculture** *f* асаларичилик.

**apitoyer** *vt* бировнинг раҳмини келтирмоқ, кўнглини юмшатмоқ; s'~(sur qn, sur qch) аямоқ, ачинмоқ, раҳми келмоқ.

**aplanir** *vt* 1) текисламоқ, силлиқламоқ; ~un chemin йўлни текисламоқ; 2) *кўчма* бартараф қилмоқ, йўқ қилмоқ;~ les difficultés қийинчиликларни бартараф қилмоқ.

**aplati, -e** *adj* ясси, ялпоқ.

**aplatir** *vt* яссиламоқ, ялпоқламоқ; пачоқ қилмоқ; s'~яссиланмоқ, ялпоқланмоқ, пачоқ бўлмоқ.

**aplatissement** *m* яссилаш, пачоқлаш, ялпоқлаш.

**aplomd** *m* 1) тик, вертикал парса; 2) мувозанат; mettre d'~мувозанатга келтирмоқ; 3) ўзига ишониш, манманлик.

**apolitique** *adj* сиёсий ҳаётдан четда турувчи.

**apolitisme** *m* сиёсатдан қочишлик, сиёсий ҳаётдан четлашиш.

**apostème** *m* чипқон.

**apparaître** *vt* кўринмоқ, пайдо бўлмоқ.

**appareil** *m* 1) аппарат, асбоб;~photographique фотоаппарат;~de projection проекцион фонарь;~radar радиолокатор;~à réaction реактив аппарат;~ de T. S. F. радиоприёмник; ~ récepteur приёмник;~transmetteur передатчик;~d'écoute товуш тутадиган аппарат;~respiratoire противогаз, газниқоб; ~réfrigération холодильник; 2)аппарат, муассаса, ташкилот;~de l'Etat давлат аппарати;~industriel саноат ишлаб чиқариш аппарати; 3) башара, ташқи кўриниш; 4) *физиол.* организмда муайян бир вазифани бажарадиган орган;~digestif овқатни ҳазм қилиш органлари; 5) самолёт;~éclaireur разведкачи самолёт;~d'entraînement машқ самолёти, машқ қилувчи самолёт;~à réaction реактив самолёт.

**appareillage** *m* 1) аппаратура;~radio радиоаппаратура, радио аппаратлари;

2) асбоб ускуна; ~scientifique лаборатория асбоб-ускуналари.

**apparemment** *adv* эҳтимол, афтидан, чамаси.

**apparence** *f* башара, ташқи қиёфа, ташқи кўриниш; sauver les~s одоб сақламоқ; en~афтидан, кўринишидан, 2) эҳтимол, балки; selon toute~эҳтимол; . . . бўлса керак.

**apparent, -e** *adj* аниқ, ошкора; кўриниб турган.

**apparition** *m* пайдо бўлиш, кўриниш; ne faire qu'une~бирров кириб чиқмоқ, бирор минутга кириб чиқмоқ.

**appartement** *m* квартира.

**appartenir** *vi* (à) қарашли(*тегишли*) бўлмоқ.

**appat** *m* ем, дон, хўрак(*қармоқ, қопқон ва ш. к. да).*

**appauvrir** *vt* 1) қашшоқлаштирмоқ; хонавайрон қилмоқ; 2) кучсизлантирмоқ (*ерни*); s'~камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ.

**appauvrissement** *m* 1)қашшоқланиш; камбағаллашиш; 2) кучсизлантириш (*ер ҳақида*).

**appel** *m* 1) чақириш, даъват этиш; чақириқ, даъват: au premier~биринчи сўрагандаёқ, биринчи чақириш биланоқ; 2) хитобнома, муражаатнома,~de Stockholm Стокгольм мурожаатномаси; 3) йўқлама; faire l'~йўқлама қилмоқ; 4) *юр.* апелляция, шикоят аризаси; 5) *ҳарб.* йиғилиш учун труба чалиб бериладиган сигнал; battre l'~, sonner l'~сборга сигнал бермоқ, труба чалмоқ

**appelé** *m* ҳарбий хизматга чақирилувчи.

**appeler** *vt* 1) ном бермоқ, номламоқ, атамоқ;~les choses parleur nom,~un chatun chat ҳар бир нарсани ўз номи билан атамоқ; 2) чақирмоқ, даъват этмоқ. ~au téléphone телефонга чақирмоқ;~sous les drapeaux ҳарбий хизматга чақирмоқ.

**appendicite** *f мед.* аппендицит.

**appesantir** *vt* оғирлаштирмоқ, вазминлаштирмоқ; ◇ ~sa main sur qn біровни жазоламоқ, бировга жазо бермоқ; s'~ оғирлашмоқ, вазминлашмоқ.

**appétit** *m* 1) иштаҳа; bon~! тотли бўлсин! ош бўлсин! 2) орзу, истак, хоҳиш; être en~de qch орзу қилмоқ.

**applaudir** *vt* олқишламоқ, чапак (*қарсак*) чалмоқ.

**applaudissement** *m pl* чапак, қарсак; ~s en rafale гулдурос қарсаклар.

**applicable** *adj* қўллаш, татбиқ этиш мумкин бўлган.

**application** *f* 1) қўйиш; устига қўйиш; босиш; 2) амалга ошириш; татбиқ этиш, қўллаш; mettre en~ҳаракатга келтирмоқ, ишга солмоқ; en~d' une loi қонунга биноан, қонуний асосда; 3) қунт, тиришқоқлик.

**appliquer** *vt* (qch à qch) 1) қўймоқ, олмоқ; ~un sceau печать, муҳр босмоқ;~des ventousses банка қўймоқ; ~une affiche à une porte эълонни эшикка қоқиб қўймоқ;~un soufflet шапалоқ урмоқ, тарсаки туширмоқ; 2) татбиқ этмоқ, қўлламоқ;~une loi қонунни татбиқ этмоқ; s' ~ (à qch) 1) қўлланилмоқ, татбиқ этилмоқ; 2) тиришмоқ, уринмоқ.

**appointement** *m pl* маош, ойлик, иш ҳақи

**appointer** *vt* иш ҳақини (*маошни*) бермоқ.

**apport** *m* ҳисса, улуш;~à la science фанга қўшилган ҳисса.

**apporter** *vt* олиб келмоқ, келтирмоқ, ташиб келтирмоқ; ◇ ~des raisons далиллар келтирмоқ;~des obstacles тўсқинлик қилмоқ;~un appui,~une aide ёрдам кўрсатмоқ;~des soins ғамхўрлик қилмоқ; жон куйдирмоқ.

**appréciation** *f* баҳо бериш, баҳолаш.

**apprécier** *vt* 1) баҳо бермоқ; 2) *кўчма* тақдирламоқ, қадрига етмоқ;~la mérite хизматни тақдирламоқ.

**appréhendé,- e** *adj* қамалган, қамоққа олинган.

**appréhender** *vt* 1) қўрқмоқ, хавфсира-

моқ, чўчимоқ; 2) ушлаб олмоқ, тутиб қамаб қўймоқ, қамамоқ.

**appréhensi** || *f*- **ve** *adj* қўрқоқ, юраксиз.

**appréhension** *f* қўрқув, хавфсираш.

**apprendre** 1. *vi* ўқимоқ, ўрганмоқ;~ à chanter ашула айтишни ўрганмоқ; 2. *vt* 1) ўрганмоқ;~par coeur ёдламоқ; 2) ўқитмоқ, ўргатмоқ, таълим бермоқ; 3) билдирмоқ, хабар бермоқ; дарак бермоқ, 4) билмоқ, билиб олмоқ.

**apprenti** *m*,- **e** *f* шогирд.

**apprentissage** *m* шогирдлик; ҳунар ўрганиш; ҳунар ўргатиш; mettre en~ ҳунар ўрганишга, шогирдликка бермоқ.

**apprêter** *vt* 1) ишламоқ, ошламоқ (*тери ва ш. к. ларни*); 2) тайёрламоқ, тайёрлаб қўймоқ; 3) зиравор солмоқ (*овқатга*).

**apprivoisement** *m* ўргатиш, қўлга ўргатиш

**apprivoiser** *vt* ўргатмоқ қўлга ўргатмоқ; s'~ўрганмоқ, қ лга ўрганмоқ; одатланмоқ, кўникмоқ.

**approbation** *f* маъқуллаш, розилик; donner son~рози бўлмоқ, розилик бермоқ.

**approche** *f* яқинлашиш, яқин келиш, ёндашиш; à l'~(aux~s) du printemps баҳор келиши билан; 2) остона, бўсаға; les~s d' une ville шаҳар остоналарида.

**approch** || **er** 1. *vt* (qn, qch, de qn, de qch) яқинлаштирмоқ, яқин келтирмоқ, суриб қўймоқ;~une table столни суриб қўймоқ; 2. *vi* (de qn, de qch) яқинлашмоқ, яқин келмоқ; approchez vous! бу ёққа келинг; яқинроқ келинг; s'~ (de) яқинлашмоқ, ёндашмоқ.

**approfondir** *vt* 1) чуқурлаштирмоқ, кавлаб чуқурроқ қилмоқ; 2) *кўчма* чуқурлашмоқ, ўрганмоқ;~une question масалани чуқур ўрганмоқ;~le caractère характерни ўрганмоқ.

**approfondissement** *m* 1) чуқурлашиш; 2) *кўчма* ўрганиш.

**appropriation** *f* ўзлаштириш, эгаллаб олиш.

**approprier** *vt* (à qch) мосламоқ, мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ; s'~ 1) ўзлаштирмоқ; 2) à qch) мослашмоқ.

**approuver** *vt* маъқулламоқ, манзур кўрмоқ;~l'écriture имзони тасдиқламоқ.

**approvisionnement** *m* 1) таъминлаш, таъмин қилиш; 2) озиқ-овқат запаслари;~en eau сув билан таъминлаш;~en munitions ўқ-дорилар билан таъминлаш; ўқ-дори запаслари.

**approvisioner** *vt* озиқ-овқат билан таъминламоқ; s'~ (de qch) запас қилмоқ, ғамлаб қўймоқ.

**approximati** || **f**, - **ve** *adj* тахминий, тақрибий.

**approximativement** *adv* тахминан, тақрибан.

**appui** *m* 1) суянч, таянч, суянчиқ, таянчиқ;~reciproque ўзаро ёрдам; prendre~sur... бирор нарсага суянмоқ; point d'~таянч нуқтаси; 2) тирговуч; тиргак; l'~d'une fenêtre дераза токчаси, дераза рафи.

**appuyer** 1. *vt* 1) (à contre, sur qch тираб қўймоқ, суяб қўймоқ (*нарвон ва ш. к. ларни*); 2) суямоқ, тирамоқ, кадамоқ;~ses coudes sur la table тирсакни столга қадамоқ; 3) *кўчма* ёқламоқ, қувватламоқ;~une proposition таклифни қувватламоқ;~les initiat ves ташаббусни қувватламоқ; 2. *vi* 1) босмоқ; бор кучи билан босмоқ; s'~суянмоқ, таянмоқ;s'~ sur un baton ҳассага суянмоқ s'~contre un arbre дарахтга суянмоқ.

**âpre** *adj* 1) тахир, какра, оғизни буриштирадиган; 2) қаттиқ, кескин, шиддатли; froid~қаттиқ совуқ; vent~кучли (*қаттиқ*) шамол; 3) очкўз, хасис; ўч;~au gain текин даромадга ўч одам.

**après** I *prép* сўнг, кейин; ◇ d'~биноан, мувофиқ.

**après** II *adv* кейин, сўнгра кейинчалик; eh bien~? давоми нима? хўш? et~? хўш, ундан кейин нима бўлди?

**après-demain** *adv* эртадан кейин, индин, индинга.

**après-guerre** *m* урушдан кейинги

давр, урушдан кейинги йиллар.

**après-midi** *m f* туш пайгидан кейин; en fin d'~ куннинг иккинчи ярмида.

**aptitude** *f* қобилият, лаёқат; ~au travail иш қобилияти.

**aquarelle** [akwarɛl] *f* акварель.

**aquarelliste** [akwarɛlist] *m f* акварель бўёқ билан сурат солувчи рассом.

**aquilion** *adj m*: nez~ қушбурун, қийғирбурун.

**araba** *f* арава.

**Arabe** *m f* араб, арабистонлик.

**arable** *adj* ҳайдаладиган, экиладиган; ер ҳайдайдиган; terre~ ҳайдаладиган ер.

**arachide** *f* ерёнғоқ.

**arachnéen** [araknẽɛ̃], **-ne** *adj* ўргимчакка оид.

**araignie** *f* 1) ўргимчак; toile d'~ ўргимчак уяси; d'~ ўргимчакка оид; pattes d'~ узун, бесўнақай бармоқлар; 2) тўр, балиқ тутадиган тўр; ◊ avoir une~au plafond мияси айнимоқ; мияси (*ақли*) жойида эмаслик.

**araser** *vt* деворни режага қараб тўғриламоқ.

**arbitrage** *m* арбитраж; арбитрлик; ~ des matches спорт мусобақаларидаги арбитраж.

**arbitre** *m* 1) арбитр; 2) *спорт* судья, арбитр; ◊ libre~, franc ~ ирода эркинлиги; de son propre~ ўз ташаббуси билан.

**arborer** *vt* баландликка ўрнатмоқ, тикмоқ;~ un drapeau байроқ тикмоқ.

**arbre** *m* 1) дарахт; ~fruitier мевали дарахт; 2) *тех* вал; ўқ; шпиндель.

**arc** [ark] *m* 1) дуга, ёй; 2) камалак, ёй.

**arc-en-ciel** [ark-a-sjɛl] *m* камалак (нурларнинг етти хил рангда товланиши)

**archaïque** [arkaïk] *adj* архаик, эски.

**archéologie** [arkeoloʒi] *f* археология.

**architecte** *m* архитектор, меъмор.

**archives** *f pl* архив; reléguer aux~ архивга топширмоқ.

**ardent, -e** *adj* 1) ёнаётган, қиздираётган; torche ~e ёнаётган машъала; soleil~ жазирама офтоб; 2) қизғин, жўшқин; ~à l'étude илм-фанга берилган, илмга қизиқувчи.

**ardeur** *f* 1) ёндириш, куйдириш, 2) қизғинлик, жўшқинлик

**argent** *m* 1) пул; avoir besoin d'~ пулдан қийналмоқ; 2) кумуш.

**Argentin** *m*, **-e** *f* аргентиналик.

**argile** *f* лой.

**argument** *m* далил, исбот.

**arithmétique** *f* арифметика.

**arme** *f* **1.** қурол, яроғ; ~blanche совуқ қурол; ~à feu отув қуроллари; les~s атом қуроли; fait d'~ жасорат; être sous les~s ҳарбий хизматни ўтамоқ; **2.** *pl* герб.

**armé, -e** *adj* қуролли; forces~es қуролли кучлар.

**armée** *f* армия; Armée Soviétique Совет армияси.

**armement** *m* қуролланиш; course aux~s зўр бериб қуролланиш; réduction *f* des~s қуролланишни камайтириш.

**Arménien** *m*, **-ne** *f* арман, арман аёли.

**arménien, -ne 1.** *adj* Арманистон ва арманларга оид; арман... **2.** *m* арман тили.

**armer** *vt* қуроллантирмоқ; s'~ қуролланмоқ.

**armoire** *f* шкаф, жовон; ~à glace ойнали шкаф.

**armoiries** *f pl* герб.

**aromatique** *adj* хушбўй, муаттар.

**arpenter** *vt* 1) чегараламоқ, чегараларга айирмоқ, марза олмоқ; 2) қадам ташламоқ, катта қадамлар билан юрмоқ; ~la chambre хонада катта қадамлар билан юрмоқ.

**arqué, -e** *adj* қайрилган, букилган, эгилган.

**arquer** *vt* қайирмоқ, букмоқ, эгмоқ; s'~ қайрилмоқ.

**arrache-pied**: d'~*loc. adv* тўхтовсиз, узлуксиз; travailler six heures d'~ тўхтовсиз олти соат ишламоқ.